

Р. Ш. Алимсаева, И. А. Развенкова, О. С. Лосенко, Е. Е. Велькер

Бадий мәхнат

Умумтаълим мактабларининг
7-синф ўқувчилари учун

ДАРСЛИК

(қизлар учун нұсха)



Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тавсия этган



УҮТ 373.167.1 (075.3)

КБТ 37.279я72

Б 14

Р. Ш. Алимсаева ва бошқалар.

Б 14 Бадиий меңнат: умумтаълим мактабларининг 7-синф ўқувчилари учун дарслик (қизлар учун нусха) / Р. Ш. Алимсаева, И. А. Развенкова, О. С. Лосенко, Е. Е. Вель-көр. – Кокшетау: Келешек-2030, 2017. – 76 б.

ISBN 978-601-317-264-4

УҮТ 373.167.1 (075.3)

КБТ 37.279я72

ISBN 978-601-317-264-4

© «Келешек-2030» ЖЧШ, 2017

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



– амалий иш



– тадқиқот



– изланиш



– якка иш



– гурүх иши



– савол ва топшириқлар



– 3D тасвирлар



– хавфсизлик техникаси



– компьютерда ишлаш



– тажриба



– қизиқувчанларга

МУҚАДДИМА

Қадрли қызлар!

Биз сизларни «Бадиий меҳнат» билимлар мамлакатига ажойиб саёҳатга таклиф этамиз. Бу ўзида ҳунар, ижод, санъат, заковат ва қўл меҳнатини бириктирган оммабол фандир.

Ахборот технологиялари ва техника тез ривожланаётган ва жадал ўсиш устидаги бу замонавий олам ҳар томонлама ривожланган, ижодий фаол ва жуда ахлоқли шахсни талаб этади. Яъни, сизларни, бўлажак олим ва муҳандислар, конструктор ва дастурчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, учувчи ва қурувчилар, иқтисодчи ва археологларни кутади.

Маҳоратли касб эгаси қандай бўлиши керак? Биринчи навбатда, у чукур билимли, малакали, ўзи бажараётган ишнинг моҳир устаси бўлиши лозим. Кенг дунёқарашга эга бўлиб, эришилган ютуқларда тўхтаб қолмай, доимо ривожланишда бўлиши зарур. У қизиқувчан ва ижодкор, ташабускор ва тадбиркор бўлиши керак. Шу билан бирга ўз мақсади йўлида эътиборли, сабрли, талабчан, тиришқоқ бўлиши талаб этилади. Лекин энг асосийси шундаки, ҳар бир шахсда касбий маҳорат юқори ахлоқий хусусиятлар билан уйғунлашиши керак. Ва бу, албатта, амалга ошади, агар инсон ўз-ўзини болалигидан бошлаб тарбиялаб борса, у ақлан баркамол, маънан ва жисмонан ривожланади. Мана шунда «Бадиий меҳнат» сизнинг содик кўмакчингиз бўлади.

Биринчи синфдан бошлаб сиз санъатнинг турли кўринишлари билан – расм чизиш, графика, ҳайкалтарошлик ва чизмачилик, манзарали-амалий санъат билан танишиб келасиз. Расм чизиш ва қуришни, тикиш ва моделлаштиришни, турли хил таомларни тайёрлашни ва ўз ижодий меҳнатингизни тақдимот этишни ривожлантироқдасиз. Йилдан-йилга назарий билимларни тўплаб, уларни тажрибада кўллашни ўрганмоқдасиз. Ундан ташқари, сиз илмий фаолиятга ҳам дастлабки қадам кўйдингиз: ўзингизни тадқиқот ва муҳокама ишларида синааб кўрдингиз, кузатдингиз, тажриба ўтказдингиз ва хулоса чиқардингиз.

Бу йил сиз шу йўналишларни ўрганишда давом этасиз. Визуал санъат ва манзарали-амалий санъат, уй маданияти ва пазандалик борасида билимингизни чукурлаштириб, кенгайтиришингиз мумкин, кўникмаларингизни ривожлантиришингиз мумкин.


Сиз замонавий техника ва санъатдаги илмий ютуқлар, бадиий нақш турлари билан буюм лойиҳасининг хомаки расмлари ва чизгиларини ясаш, қозоқ миллий таомлари ҳамда бутун жаҳон халқларининг ошхонаси ҳақида кўплаб янги ва қизиқарли маълумотлар билан танишасизлар. Ижодий лойиҳа учун янги фикрларни тайёрлаб, уларни амалда татбиқ этишини ўрганасизлар. Ўзингиз мустақил равишда тикиш буюмларини (кийим) тайёрлайсиз, кўргазма уюштирасиз ва ўз ишингизни кенг оммага тақдим эта оласизлар.

Ҳар бир уй бекаси уйда қулай шароит яратиб, меҳмон кута олиши лозим. «Уй маданияти» ва «Овқатланиш маданияти» бўлимлари сизларни зарур билимлар билан таъминлайди. Сиз ўзингиз учун пазандалик касбининг сеҳрли олами ва унинг ривожланишининг ажойиб тарихини очасиз. Турли рецептлар билан танишиб, нафақат анъанавий таомлар, балки ажойиб тансиқ таомларни ҳам тайёрлашни ўрганасизлар. 7-синфда сиз уй маданияти ва хўжаликни бошқариш ҳақида кўпроқ билиб оласиз: майший техникадан қандай фойдаланишни, унинг турларини; ўсимликлар ёрдамида уй интерьерини ижодий ёндашиб қандай яхшилаш мумкинлигини ва бошқа кўп нарсаларни билиб оласиз.

Олдинда сизларни узок, лекин жуда қизиқ сафар кутмоқда. Бизнинг дарслигимиз бу сафарда сизнинг кўмакчингиз ва йўлдошингиз бўлади, деб умид қиласиз.

Дарсликда аллақачон ўзингизга таниш бўлган шартли белгиларни учратасиз. Уларнинг ҳар қайсиси нимани англатишини 3-бетга мурожаат қилиб ёдингизга тушира оласиз.


7-синф дарслиги фонида ёруғ тўқ сариқ – асосий ранг ҳисобланади ва назарий материаллар шу рангли фреймларда (1) берилган. Оч сариқ рангли фреймларда кўшимча қизиқарли ахборотлар (2), пушти ранг рамкаларда саволлар ва топшириклар берилган (3). Амалий топширикларнинг барча турлари яшил рангдаги фреймларда тақдим этилган (4), якка ва гуруҳ ишлари тўқ сариқ фреймларда (5), тадқиқотчилик ишлари сариқ рангда берилган (6).



Муваффақиятлар тилаймиз!

ВИЗУАЛ САНЪАТ

§ 1. САНЪАТДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ. ТАБИАТНИНГ МИКРОСУРАТЛАРИ



1. Визуал санъат асарларини кўриб чиқинг.
2. Атрофимиздаги оламнинг визуал элементларини атанг.
3. Бу ишларнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Улардан қайси бири сизни қизиқтириди?
4. Улар қайси жанр ва йўналишда бажарилган?

Микросанъат
Микроенер
Микроискусство
Microart

Бугунги кунда инсон фаолиятининг барча хизмат соҳаларида илмий технологиялар мавжуд. Ҳозирги замон технологиялари билан санъатнинг ўзаро боғланишининг мисоли тариқасида микроминиатюрани (микросанъат) олишга бўлади.

Микроминиатюра – ишлар (расмлар) микроскоп орқали тайёрланадиган тасвирий санъатнинг бир йўналишидир. Рассомнинг жуда ҳам майда, такрорланмас асарлари юрак уриши оралиғида бажарилиши мумкин.

Микроскопик тасвирлар

Бўр



Акациянинг чанги



Гулхайрининг чанги




Уруғ




Рақамли микроскоп ёрдамида ишланган бир қатор ҳужайра тузилиши ва ўсимлик материалини акс эттирган тасвирларни кўриб чиқинг. Катталаштирилган тасвирларни солиштиринг. Сиз қандай ўйлайсиз, бу фотосуратларни санъат асари деб аташга бўладими?

Таом бўягичларнинг
кристаллари



Ёмғир остидаги кўриниш
(совун кўпиги)



Кристалл
кўринишидаги ДНК



Ёғли парда



Салицил кислотаси



Бўёқлар рақси



Қор учкунининг ўзаги



Ариларнинг учиши



Капалакнинг қаноти



Катталаштирувчи ойна ёки микроскоп орқали намуналарни кўриб чиқинг (майда қуритилган ҳашаротлар, ўсимликларнинг барглари ва бошқалар), улар микроскоп орқали қараганда қандай кўринади?

Кўрганларингизни фотосуратга туширинг ёки альбомга расмини чизинг.


Илмий кашфиётлар орқали биз инсон кўзига кўринмайдиган нарсаларни кўришимиз мумкин. Америкалик фотосуратчи ва биохимик Линден Гледхилл микроскоп ёрдамида суратга туширади. Илмий билимдан тўғри ва чиройли фойдалана олиш ҳақиқий ижод қилишга шароит яратади.

Санъетнинг бу тури инсоннинг туйғулари ва хаёлотига асосланади. Тасвиirlарни кўраётib, инсон фикрига-фикр қўшилиб, ундаги майда тафсилотларни турли тимсолларга айлантира олади.

Микросанъат жанрида фаолият юритувчи рассомлар ҳақида компьютерда тақдимот тайёрланг.



Хасан Кейл – Туркия рассоми. 1980-йилдан бери у ўз дурдоналарини ўзгача материалларда яратмоқда. Холст сифатида у шиллиқтурт чиганоқларини, капалакларнинг қанотларини, кофенинг донларини ва ҳоказолардан фойдаланади, бўёқларни эса ўз бармоқлари билан аралаштиради. Миниатюраларни фақат яқиндан томоша қилиш керак. Шундагина бу ажойиб, нозик ишларнинг бутун гўзаллигини кўриш мумкин.



Ушбу техникада бажарилган график фактуралар ва табиий шаклларнинг хомаки расмларининг намуналарини кўриб чиқинг. Бўшлиқлар тасвирий элементлар билан қандай тўлдирилишига, чизик ва доғларни уйғунлаштириш усули қандай қўлланилишига эътибор беринг.



Турли график фактураларнинг 3–4 намунасини бажаринг (формати 8×6 см; материалы: гелли ручкалар, маркер).

Микроскоп орқали кўрганларнингизни турли бадиий техникада ва турли материаллар билан тасвирланг.

График фактураларни фойдаланган ҳолда хомаки чизилган табиий шаклларни манзарали тасвирга айлантиринг (A4 форматга, материал танлов асосида).



Табиий шаклларнинг манзарали тасвири

Барглар



Балиқлар



Капалаклар



Дарахт





Ўзингиз кўришни хоҳлаган бирорта сиймо ва ғояни яратинг (ўсимликлар, денгиз мавзуси, ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг фантастик тимсоллари ва ҳоказо).

1. Буюм яратиш техникаси ва материалини мустақил равишда танланг (пластилиндан ясаш, мунчоқдан тўқиш, бадиий материал билан тасвирлаш).
2. Бажарилган ишларнинг кўргазмасини ўтказиб, муҳокама қилинг.

1. Бу параграфдан сиз қандай янгиликлар ўргандингиз?
2. Олган билимингизни қандай қўллашга бўлади?



§ 2. ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЙÙНАЛИШЛАР (ПОП-АРТ, ИНСТАЛЛЯЦИЯ). МУСТАҚИЛ ТАДЌИҚОТ



1. Расмлар репродукцияларини кўриб чиқинг. Улар қандай ҳиссиятларни уйғотади?
2. Улар мумтоз асарлардан нимаси билан фарқ қиласди?
3. Қандай ўйлайсиз, уларнинг қайси бири замонавий ижодкорлар томонидан яратилган?
4. Интернет манбаларидан, виртуал галерея, энциклопедиялар, журналлар, матнлар йиғиндисидан фойдаланган ҳолда шу асарларнинг услубий йўналишларини топинг.



Йўналиш
Бағыт
Направление
Trend

Тасвирий санъатнинг асосий замонавий йўналишлари

Реализм



И. Шишкин «Эманзор»




М. Веденников
«Чимбулоқ»

Реализм – воқеликнинг ҳаққоний, холисона, батафсил акси. Реалистик санъат XX–XXI асрларда ёрқин миллий хусусиятга ва шаклларнинг хилма-хиллигига эга бўлди.

Символизм



М. Врубель «Азозил»



А. Абулхаир
«Умайнинг мужассамланиши «Ўтмиш – Келажак»

Символизм йўналишидаги рассомлар тез-тез аллегорияга, мифология ва диний сюжетларга мурожаат этишади.

Символизм усталари: Г. Моро, Пьер Пюви де Шаванн, О. Редон, Ф. Ропс, Э. Бёрн-Джонс, Д. Габриэль, Джон Эверетт Миллес, Уильям Холмен Хант, М. Врубель.

Сюрреализм



С. Дали «Филларда кўринадиган оққушлар»



Л. Рэй «Арктика»

Асарларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўр ҳис-туйғу билан хаёлга келган ҳақиқатни тасвирлайди. Бу йўналишнинг асосчиси – испан рассоми С. Дали.

Кубизм



Л. Попова «Саёхатчи»

Жисмлар оламини геометрик шакл ёки фигурапарни уйғунлаштирган күринишида тасвирлаб беради. Машхур рассомлар: П. Пикассо, Л. Попова.

Гиперреализм




О. Ортис «Құллар»

Гиперреализм йұналишидаги рассомларнинг мақсади – оламни нафақат ҳаққоний, үта ҳақиқиي, үта үхшаш қилиб тасвирлашдан иборат.

Поп-арт



Э. Уорхол «Шүрва»



Р. Раушенберг «Ребус»

Замонавий турмушнинг одатий буюмларини (уй хұжалиги буюмлари, маңсулот қадоқларини, интерьер қисмларини, машина қисмларини ва ҳоказо), таниқли шахсларнинг босмадан чиқарилған машхур тасвирларини, газеталар кесмаларини акс эттиришади ёки бу буюм ва тасвирларни композицияларга құшишади. Поп-артнинг фарқли томони – даъватнинг бефарқлик билан бирикмаси.

Машхур рассомлар: Д. Джонс, Р. Раушенберг, Э. Уорхол, Р. Лихтенштейн.

Инсталляция



Ай Вэйвэй «Bang»



М. Наримбетов «Қора фаришта»

Маиший буюмлардан, саноат маңсулотлари ва материаллардан, табиий объектлардан, матнли ёки визуал маълумотлардан ишланған фазовий композиция. Рассом оддий буюмларнинг ғайриоддий бирикмасини яратып, уларға янги, рамзий маъно беради. Таниқли инсталляторлар: Л. Астала, Й. Бойс, Р. Раушенберг, Д. Кошут, Э. Кинхольц.

Орфизм




Р. Делоне «Марс майдони: Қызыл минора»

Рассомлик асарларининг ифодали воситаларини кучайтириш мақсадида аппликациялардан фойдаланилади. Фантастик кучлар барқарор шакл ва тушунчаларни ўрнидан силжитади, рангларнинг мантиқсиз аралашиши шаҳар ва алоҳида иншоотларнинг ранг-бараг, нозик, ўлчовсиз элементларга парчаланган тасвирларини беради. Барчаси томошабин олдида ҳаракатланаётган, милтиллаётган, жаранглаётган, ҳиссиётга бой олам сифатида кўз олдимизга келади. Рассомни умуман тасвирлаб бўлмайдиган, масалан, расмдаги товушнинг тарқалиши сингари нарсани етказа олиш мумкинлиги қизиқтиради.

Супрематизм



К. Малевич «Қора квадрат»



К. Малевич «Спортчилар»

Геометрик абстракциянинг бир тури. Тоза муайян ранглар билан чизилган геометрик фигурулар тасвири. Супрематизм асосчиси – К. Малевич.

Абстракционизм



В. Кандинский «Кулранг овал»




Б. Талкамбаев «Эволюция»

Атрофимиздаги оламнинг ноанъанавий шаклда тасвирланиши. Рассомлар ўз туйгуларини ва буюмларни бадиий шакл элементлари (рангли доғлар, чизик, фактура, ҳажм) ёрдамида кўрсатадилар.

Машҳур рассомлар: Н. Гончарова, М. Ларионов, Б. Талкамбаев.

Граффити




В. Потапов «Үтов»

Замонавий концептуал күча монументал санъатининг бир тури.

Граффитининг маъноси – ижод эркинлиги учун кураш: истаган жойда расм чизиш. Машхур рассомлар: Д. Шаббаш, В. Потапов, В. Чтак, А. Тулесова.

Оп-арт



Б. Райли «Квадратдаги ҳаракатлар»

Инсон кўзи идрокининг оптик хусусияти фойдаланилади. Вазифаси – одам кўзини алдаш, уни ғайриоддий шароитга қўйиб, ноодатий масалаларни ечишга мажбурлаган ҳолда, сохта реакцияга мажбур қилиш.

Таниқли рассомлар: Я. Агам, А. Родченко, А. Колдер.

Супертекислик



Т. Мураками «Жаноб Доб»

Замонавий анимация ва комиксларнинг текис, визуал тилига ўхшаш янги визуал 2D, 3D шаклдаги тилни тушунтириш учун япониялик замонавий рассом Т. Мураками томонидан ўйлаб топилган атама.

 1. Гуруҳларга бўлининг, турли манбалардан фойдаланиб, замонавий санъат йўналишларидан бирини ўрганинг.

2. Рассомлар ва уларнинг ижоди ҳақида маълумот излаш ва тўплаш бўйича вазифаларни тақсимлаб олинг.

3. Тасвирий санъатнинг турли йўналишдаги вакиллари – рассомларнинг ижоди билан танишиб чиқинг.

4. Ўзингиз ўргангандарингиз ва таассуротларингиз натижасини бутун синф ўқувчилари билан ўртоқлашинг.

Маълум бир ижодий услугдан фойдаланиб, тасвирий санъатнинг бирор йўналишида расм чизинг.

1. Материал танланг, ғоя ва ранглар масаласини аниқланг.
2. Ўз фикрларингиз билан ўртоқлашинг, бажарилган расмнинг маъносини тушунтиринг, бир-бирингизга композицияни яхшилаш учун тавсия беринг.
3. Ўз ишингизнинг тақдимотини ўтказинг.
4. Шу услугнинг хусусиятларини, шу услугда ижод қилган рассомларни атанг.
5. Берилган рассомларнинг ишлари сизнинг композиция яратишингизда қандай таъсир кўрсатади?



Ўз мактабингиз сайтида нашр этиш учун мақола тайёрланг.

Синфдошларингиз учун «Қозогистон тасвирий санъатидаги замонавий йўналишлар» мавзусида тақдимот тайёрланг.



Асхат Ахмедияровнинг «Бувининг кўзи» инсталляцияси 32 сферадан – икки бир-бирига бетлаштирилган қозонлардан ташкил топган бўлиб, умуман олганда, маржон занжир шаклидаги асар ҳисобланади.

«Бувининг кўзи» – ўзининг невараларига қолдирган бувидан мерос деган маънони англатади. Ўрта Осиёда кекса аёллар ўзларининг қизлари ва невараларига ёдгорлик буюм қолдиришган. Булар узук, рўмол, мунчоқлар бўлиши мумкин. Бундай совға ўз эгаси учун қимматбаҳо тумор бўлиб, у бу тумордан бутун ҳаёти давомида ажрамайди.

Маржонлар замонавий инсон идрокида марварид жилоси билан боғлиқдир. Рассом иккита қозонни бирлаштириб, уни тўлиқ ҳажмда олинган маржон мунчоқга ўхшатган.

Шунингдек, Ўрта Осиёда аёллар ва қизлар қозонда пишириладиган миллий таомлар, уларнинг рецептларини оналари ва бувиларидан мерос қилиб олишган.



А. Ахмедияров «Бувининг кўзи»



1. Сизга замонавий санъатнинг қайси йўналишлари маълум?
2. Қайси рассомнинг ижоди сизга, айниқса, қизиқарлироқ туюлди?
3. Замонавий рассомлар ишларининг репродукцияларини кўриб чиқинг.

Бирор йўналишдаги бадиий ижод маҳсули ҳақида маълумот берадиган услубий ўзига хосликни кўрсатиб беринг.

§ 3. ҚОЗОГИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ РАССОМЛАРИ




Н. Абишев «Чорин чотқоли»



А. Дузелханов «Қамбар ботир»




Н. Килибаев «7 хазина»



Н. Бажиров «Кутиш»



Т. Батанов «Үй»



А. Абжанова
«Олтін Бурабай»

1. Қозогистонлик рассомларнинг ишларини кўриб чиқинг. Қозоқ халқининг турмуши, табиати, маданияти ва тарихи рамзини ифодаловчи объектларни атанг.
2. Санъат асарлари қайси йўналишларда бажарилган?
3. Ишларга қиёсий тавсиф беринг.
4. Сиз қандай ўйлайсиз, Қозогистоннинг замонавий рассомларни илҳомлантирувчи нарса нима?



**Замонавий
Заманауи
Современный
Modern**

Қозогистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг кўпчилик рассомлар ўз ижодини қайта кўриб чиқиб, янги йўналишда ижод қила бошлишди. Қозогистонда замонавий тасвирий санъат 3 хил йўналишда ривожлана бошлади: рамзий услуб, концептуал услуб ва реализм.

Замонавий Қозогистон санъатига хос нарса – стереотиплардан (бир хилликдан) ҳоли бўлиш, ижодий изланиш, янги давр масалаларини турли йўллар билан еча оладиган услубларнинг кўп миқдорда бўлиши.

Жанрлар, услубиятлар, ижодий йўналишлар, шахсий изланиш ва интилишларнинг турли туманлиги билан ўзига жалб қила ўтириб, атрофдаги бутун борлиқни, тирик инсонларнинг қиёфаларини ранг-баранг акс эттириб, санъат бугунги кунда у ёки бу бадии масалаларни ечишда ўзининг тасвирлаш тилини топган турли давр усталари томонидан тақдим қилинмоқда.

Қозогистоннинг тасвирий санъати миллий ва жаҳон маданиятида мустаҳкам ўринга эга бўлди. Қозогистонлик замонавий рассомлар оммавий машҳурликка ва ҳурматга сазовор бўлдилар. Уларнинг картиналари кўп мамлакатлар галереяларининг экспозициясига ва жамғармасига киритилди. Улар ўзларининг янги дастурларини ўйлаб топиб, ижод этишни давом эттироқдалар.



Агимсали Дузельханов тарихий шахслар тасвирини ҳаққоний тасвирлайди. Унинг «Тўмарис», «Саклар», «Ўғузхон», «Абилай хон», «Абулхаир хон» ва бошқа картиналари миллий санъатнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Рассомларнинг ёрқин ижодий йўналиши ажралиб туради. Хон ва бийлар тимсолини яратишда у ўз қаҳрамонининг руҳий дунёсини ифодалашга ҳаракат қилган. Бундай самараали меҳнатнинг, яъни рассом маҳоратининг натижаси – бу ўтган даврлар қаҳрамонларини мадҳ этувчи ёдгорликлар бўлиб қолади.



«Тўмарис»



Бакитнур Бурдесбеков – Қозогистонлик замонавий рассом.

У Алмати вилоятида туғилған. В. Мухина номидаги Ленинград бадиий ишлаб чиқарыш билим юртида, Н. Гоголь номидаги бадиий билим юртида таҳсил олди.

Рассом Қозогистон Рассомлар иттифоқининг аъзоси, АҚШда ўтган Арт Экспо–2011 халқаро кўрик-танловининг лауреати, республика ва халқаро кўргазмаларининг иштирокчиси, халқаро ва республикамиз миёсидаги кўргазмалар муаллифидир.

Ўзи яратган «Исиргали қиз» асарида рассом нафақат қозоқ қизининг гўзаллигини куйлади, балки «Дала мадоннасининг» афсонавий тимсолини яратди. Унинг сирли нигоҳи, нағислигини тасвирлашда рассом ранг ва ёрқинлик билан турли жилолар ва соялардан фойдаланган. «Исиргали қиз» – муаллиф ўзи чизган асарини айнан шундай деб номлаган. Қизнинг анъанавий зар



«Исиргали қиз»



«Саукеле»

тақинчоқлари кишини ўзига жалб этади ва тимсолнинг янада сеҳрли бўлишини таъминлайди. Муаллиф абстракт усусларни қўллаган ҳолда гўзал қизнинг кўзларидағи мафтункорлик ва илтифотни тасвирлашга алоҳида эътибор берган. Ижодкор ушбу асарни иссиқ ва совуқ рангларни бир-бирига мослаштириб яратса олган. Мўйқалам устаси қизнинг ёшлиги ва гўзаллигини нозик туйгулар билан ёритиб бера олган.

Амандос Аканевнинг бадиий ижоди мурakkab композицияли, фожиали психологизма бой. «Марсия» картинасида қайғу она тимсоли орқали берилади. «Жарроҳ» картинасида у ҳаётни сақлаб қолаётган хирург феъл-авторини тасвирлаб бера олган. «Бу нотинч олам» номли ва бошқа асарларида рассомнинг халқнинг қайғу ва ҳасратлари, қийинчиликлари, тинч ҳаёт ҳақидаги орзулари ифодаланган.

Амандос Аканевнинг «Саукеле», «Қўниш жойи» каби олдинги сафда турувчи ижодий ишлари чукур фалсафий маънога эга.

Янги авлод вакиллари ўтган ажоддодларимизнинг изланишларини давом эттироқдалар:

Г. Мадановнинг «Ўчмас чироқ», К. Хайруллиннинг «Шамол ҳұштаги», А. Бапишевнинг «Тұрт пайғамбар», А. Казгуловнинг «Дала Мадоннаси» ва бошқалар. Бу асарлар оламни тушунишнинг ягона йўлини кўрсатади. Замонавий тасвирий санъат халқ иродаси, халқ тарихи ҳақида дунё-қарашни кенгайтириб, ҳозирги замон ажойиботларини фикр элагидан ўтказишига тиришаётир. Манат Қаспақовнинг «Улуғ мусибат йиллари» ва Бақит Мирзахметовнинг «Мусодара» картиналари халқимизнинг бошидан ўтказган оғир даврларини тасвирлайди.

Замонавий рассомларга ижодий изланиш, мустақиллик, фикрлашда жасурлик хос.

Еркин Мергеновнинг ижоди ўзига хос бўлган яратилиш ва борлиқнинг орасидаги қарама-қаршиликнинг ечимини топишга қаратилган. Бу ҳақда унинг «ХХ аср», «Акс – садо», «Иккита» ва бошқа асарлари гувоҳлик беради.

Ҳайкалтарош Нурлан Даљбаевнинг «Чавандоз» номли ишида инсон ва тулпорнинг яширин куч-қуввати композицияли ечим билан берилган.



Турли манбалардан фойдаланган ҳолда, замонавий қозогистонлик рассомлар ижоди билан танишинг (ўзингиз танланг).

1. Улар қайси жанр ва йўналишда ишлашади?
2. Қандай материаллардан фойдаланишади?
3. Иш жараёнини изохлаб беринг.
4. Ишларнинг қиёсий таҳлилини ўтказинг. Умумий ва фарқли томонларини аниқланг.



Ўзбекистон тасвирий санъатида ёрқин из қолдирган рассомлар талайгина. Чиниз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Раҳим Аҳмедов, Ўрол Тансиқбоев, Акмал Икромжонов ва бошқа кўплаб мўйқалам соҳиблари шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари, издошлиари бўлган бир неча рассомлар Мустақиллик йилларида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда.

Улар: Акмал Нур, Алишер Мирзаев, Леким Иброҳимов, Ортиқали Қозоқов, Дилором Мамедова ва бошқалар.



1. Рангли картон қоғозда Қозогистон ёки қозоқ халқининг турмушини акс эттирувчи рамзий нарсаларнинг контурли хомаки шаклини ишланг ва уларни қирқиб олинг.
2. Қирқиб олинган рангли рамзий шакллардан абстракт композициялар (тиқ ва кўндаланг) ишланг. Бу шакллардан нечта композиция тузиш мумкин?
3. Бажарган ишингизни қозогистонлик рассомларнинг ижоди билан солишиширг.



Интернет манбаларидан ва қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўзингизга ёқсан рассом ҳақида слайд-шоу тайёрланг.



«Мустақил Қозогистоннинг тасвирий санъати» мавзусида иншо ёзинг.




Қозогистоннинг замонавий рассомлари ҳақида компьютерда тақдимот тайёрланг.



Ә. Қастеев (Алмати шаҳри) номидаги Давлат санъат музеида 20 мингдан ортиқ замонавий ва қадимий қўл ҳунар буюмларининг намуналари, чет эллик ва қозогистонлик рассомларнинг улкан тасвирий санъат асарларининг йигиндиси жамланган. Санъат музеида 12 зал мавжуд. Уларнинг олтитасида тасвирий санъат асарлари жойлашган.

Уста рассом – Ә. Қастеевнинг картиналари алоҳида залда жойлаштирилган.

Музей экспозициясини Қозогистоннинг қадимий санъат асарлари зали очиб беради, унда қоятошга ўйилган ўймакорлик асарлари – петроглифлар, амалий санъат, монументал ва кичик пластика намуналари, палеолит даври, бронза ва темир даври буюмлари намойиш этилган. Залнинг экспозициялари миллий меъморчилик билан ҳам таниширади. Бу ерда ўрта аср меъморчилигининг манзарали



Ә. Қастеев номидаги Давлат санъат музейи



Ә. Қастеев номидаги Давлат санъат музейининг кўргазмалар зали

ҳайкалтарошлик лавҳалари акс эттирилган. Қозоқ миллий амалий санъати буюмлари қаторида – заргарлик буюмларининг ноёб, нодир тўпламлари, бадий ўймакорлик маҳсулотлари ва сукъ ҳамда ёғочдан ишланган инкрустациялар намойиш этилган.

Музейда қуйидаги рассомларнинг ишлари қўйилган: А. Исмайлов, А. Черкасский, Қ. Телжанов, А. Фалимбаева, Х. Науризбаев, Н. Нурмухamedов, Г. Исмайлова, С. Романов, Е. Сидоркин, С. Айтбаев, Е. Мергенов ва яна бошқалар.



Оlamдаги таникли қадимий галареялар: Вашингтон миллий галереяси, Лондон миллий галереяси, Берлин миллий галереяси, Дрезден картиналар галереяси, Лувр (Париж), Брер картиналар галереяси (Милан), Третьяков давлат галереяси (Москва), Эрмитаж, Рус музейи (Санкт-Петербург) ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси тасвирий санъат галереяси (Тошкент) Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик йилларида очилди.

1. Қозогистон рассомлари ҳақида қандай янгиликлар билиб олдингиз?
2. Қайси топшириқни бажаришда сизда қийинчиллик туғилди? Нега?
3. Қайси рассомнинг ижоди сизга, айниқса, қизиқарли бўлди?
4. Замонавий тасвирий санъатнинг ўзига хослиги нимадан иборат?
5. Замонавий рассомларнинг ижодида қандай сюжетлар устунлик қиласди?
6. Уларнинг ижодида миллий мақом қандай акс этган?
7. Сизнинг фикрингизча, рассомларни ўз асарларини яратишда нима илҳомлантирган?



§ 4. САНЬАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ АСОСИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР (2D ЁКИ 3D ФОРМАТДА)



Турли ахборот воситаларидан фойдаланиб, ўз ижодий инсталляция услубларини кўлланадиган замонавий рассомларнинг ижоди билан танишинг. Инсталляция ёрдамида оддий буюмлар ҳозирги вақтда жамият масалаларини кўрсатиш билан бирга, қайҳолатда янги рамзий хизматларга эга бўлишини муҳокама қилинг.

1. Ўз ишингизда очиб бермоқчи бўлган муаммоларни аниқланг. Машхур ижодкорларнинг асарларига суянган ҳолда танланган муаммо юзасидан эскиз чизинг.
2. Гуруҳларда шахсий ғояларни муҳокама қилинг, муваффақиятли чиққан инсталляцияларнинг хомаки нусхаларини умумлаштиринг, сўнгра асослаш ва амалга ошириш учун танлаб олинг.
3. Асарни яратиш бўйича хизмат турларини тақсимланг, иш борасидаги таваккалларга йўл берив, материаллар билан ишлаш услубларини танланг.
4. Ишни материал ва турли жараёнларни уйғунлаштириб, тажрибадан ўтказиб, ўзингизда ҳосил бўлган кўнишка ва шахсий тажрибангизга асосланиб бажаринг.
5. Бажарилган ишларни кўргазмага қўйинг, танлаб олинган масаланинг долзарблиги ва ўз ижодий ғояларингизнинг визуал ифодасини таҳлил этинг, муҳокама қилинг.
6. Тайёрланган маҳсулотни янада яхшилаш учун ўз тавсияларингизни айтинг. Тайёр бўлган иш юзасидан қисқа аннотация ёзинг ёки бошқа гуруҳ ишлари юзасидан шарҳловчи ролида гапиринг.
7. Материал ва асбоблардан фойдаланганда шахсий гигиена талаблари ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг.



Замонавий санъатнинг янги оқимидағи вакилларининг ижоди ҳақида видеолавҳа ёки кўргазма тайёрлаб, якуний тақдимот ўтказинг.



Кўргазма ташкиллаштириш ва иш тақдимоти

1. Бу бўлимни ўрганиш давомида бажарилган ўзингизнинг яхши ишларингизни танлаб олинг.
2. Бажарилган ишларнинг таништирув тадбирларини ўйланг (ўрнатиш, бириктириш, мустаҳкамлаш, паспарту ясаш).
3. Кўргазма учун ўз ижодий ишларингизни расмийлаштиринг.
4. Ўз ишингизни намойиш этиш турини танланг.
5. Кўргазмани намойиш этиш учун жой ва жиҳоз танланг.
6. Бу ишни бажаришга унданаган сабабни айтинг.
7. Ишни бажаришда кўлланилган материаллар, жиҳоз ва воситаларни атанг.
8. Танланган буюмнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб беринг.
9. Бажарилган ишга холисона ҳақоний баҳо беринг.
10. Ишингизга қисқача шарҳ ёзинг.
11. Кенг омма олдида ўз ишингиз тақдимотини ўтказинг.



МАНЗАРАЛИ-АМАЛИЙ САНЪАТ

§ 5. БАДИЙ НАҚШ (БАТИК, ГЖЕЛЬ, ХОХЛОМА). НАҚШ ТУРЛАРИ.
НАҚШ СОЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ. МАТЕРИАЛЛАР ВА ИШ ҚУРОЛЛАРИ



1. Манзарави-амалий санъат буюмларини кўриб чиқинг.
2. Бу ишларнинг ўзига хослиги нимада?

Нақшлаш
Өрнек салу
Роспись
Painting

Бадиий нақш – маълум бир юзаларга мўйқалам ва бўёқлар билан манзара чизиш санъати. Бу манзараги-амалий санъатнинг жуда кўп турлари мавжуд.

Бадиий нақшнинг асосий турлари

Қозогистондаги қадимий сопол идишлардаги нақшлар

Азалдан кўчманчилар ҳаётида ёғочдан ясалган идишлар фойдаланилди. Рассомлар қозоқ халқининг нақш мақомларини чизишида турли маданиятнинг ҳар хил даражада кириб келишидан фойдаланган.

Орнаментлардаги ранглар уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга – улар маълум тартибда алмашиб туриши керак. Фон ранги ва расм композицияга боғлиқ ҳолда танланади. Қозоқ халқи учун ранг танлашнинг рамзий ифодаси бор: ҳаво ранг – осмонни; қизил ранг – қуёшни, оловни; сариқ ранг – доноликни, ҳижрон ва қайгуни; қора – ерни; яшил ранг – ёшлик ва баҳорни ифодалайди.



Қозогистонда нақшлар билан безатилган дастлабки куполчилик буюмлари эрамиздан аввалги V минг йилликда, неолит даврида, Жанубий Қозогистоннинг қадимий шаҳарларида пайдо бўлган. Шу давр куполчилик буюмларининг кўпчилиги қора рангда бўялган, шу сабабли нақш чизикларининг контури аниқ кўриниб туради. Ўзига хос хусусиятлардан яна бири мурракаб нақшларнинг узлуксиз чизилиши. Лойдан ясалган буюмларга ишлов берилиб, яшил рангга бўялган ҳамда безатиш учун глазурдан (шира) фойдаланилган. Ўша вақтда нақш турлари ўзгариб, нуқталар билан тўлдирилган учбурчаклар, ҳажмли нақшлар йўқолиб борган. Буларнинг ўрнига эгри-бугри ва кўндаланг чизиклар кўпроқ ишлатила бошланган. Шу билан бир қаторда, кўл ганчкорлиги, тамғалаш, мухрлар босиш усуслари орқали безатилган нақшлар кўлланилган. Бу тамғалар – «айланадаги панжара» ёки «кегайли фидирек» шаклида бўлган.

XIV–XV асрлардаги куполчилик буюмлари ранг-баранг нақшли, текис-силлиқ юзали идишлар кўринишида намоён бўлди.

Нақш чизиклари – аниқ, ранглари ёрқин эди. Асосий расмни чиқариш учун геометрик нақш ёки қарама-қарши рангли чизиклардан фойдаланилган. Буюмнинг сирти оламнинг томонларига асосланиб бўлинган ва унда қуёш нури ёки геометрик нақшлар тасвирланган. Қадимий куполчилик усталари буюмнинг бутун сиртини нақшлар билан қоплашга ҳаракат қилишган. Асосий расмлардан бўш қолган жойларни эса нуқталар, бурмалар, узук чизиклар билан тўлдиришган.



Қадимий Қозогистоннинг сопол буюмлари намуналари



Ҳар бир даврнинг рассоми санъатга ўзининг қандайдир – шахсий ва тақрорланмас ҳиссасини күшади. Мустақилликка эришгандан бери Қозогистондаги манзарали-амалий санъат улкан ижодий баркамолликни намойиш этиб, авлодларнинг узлуксиз давомийлигини кўрсатган ҳолда ўз тараққиётининг янги погонасига чиқди. Ёш муаллифларнинг асарлари юртимизнинг музейлари, хусусий галереяларда ҳамда чет элларда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.



Батик – матога расм чизиш санъати. Батик бир неча турли бўлади: совуқ; иссиқ; «кракле» усулида; «бадиий гул босиши»; эркин нақш; тугунли батик. Эркин нақш усулидан бошқа барча асосий усулларда заҳиралаш (резерв) услуби ётади. Заҳиралашда мато ўнгидаги айрим, бўяшга лойиқ бўлмаган қисмлари, маҳсус таркиб (эритма) билан қопланиб, матода бўёқнинг оқиб кетишига йўл қўймайди. У матога сингиб кетиб, матонинг айрим қисмларини бўёқдан ҳимоя қиласди. Ишлаш учун фақат анил бўёқлари тўғри келади, чунки бошқа бўёқлар мато юзасида (ўнгидаги) йигилиб қолади.

Совуқ батик. Бу усулда бўёқлар билан бадиий расм чизиш режалаштирилган жойларда ёпиқ контурли заҳира ҳосил қилиш тушунилади.

Иссиқ батик. Заҳира ҳосил қилиш учун эритилган эритма расм контурига суриласди ёки эритма билан матонинг зарур ҳудудлари қопланади.

Матога эркин гул босиши. Бошлангич расм бўёқ ёрдамида бўялиб, заҳиралаш эса фақат якунловчи қисмда ишлатиласди.

«Кракле» намоёни. Иш бир неча қопламдан ташкил топади. Иш тугаллангач, заҳира қотгандан сўнг, уни рамкадан кўчириб, эҳтиёткорлик билан ғижимлаб, янги рамкага тортиласди. Матонинг ўнгига қорамтири бўёқ суриласди. Куриши учун вақт ажратилиб, сўнгра заҳираловчи таркиб иссиқ дазмол ёрдамида олиб ташланади.

Матога «бадиий гул босиши» усулида, тайёрланган ёғоч шаклга қуюқ бўёқ сурилиб, мато ўнгига расм босилади.

Тугунли батик бошқа усуллардан фарқ қиласди. Газлама турли усулда тахланиб, у бир неча жойидан боғланади ёки ип билан тикиласди, сўнг бўёқ билан бўялади.



Батик

Хохлома – ёғочни манзарали безаш. Анъанавий хохлома нақшлари – ўсимликсимон: кулупнай ва четан меваси, гуллаган новдалар ва бошқа. Балиқ ва кушлар камроқ учрайди.

Хохлома нақшларининг асосий хусусиятлари: рассом ҳеч қачон олдиндан чизадиган нақшларининг чегарасини белгилаб олмайди. Ҳатто, жудаям ингичка узиқ чизиқлар билан бажариладиган кичик деталлар ҳам, юмшоқ мўй-қалам билан, бирданига, қаламда олдиндан чизиб олмасдан, бўялади.

Хохлома нақши бир неча элементлардан ташкил топади:

- «сўначалар» – бармоқларнинг енгил ҳаракатланиши билан юқоридан пастга бажариласди;
- «бир тол новда» – бўёқни бирдай йўғонлатиб чизиш усули;
- «томчилар» – мўйқаламни қофозга босиши усули билан чизиласди;
- «мўйловча» – спиралсимон бир хил қалинликдаги узлуксиз чизиқлар;
- «жингалак» – элементнинг ўртасида мўйқаламни енгил босиши билан бажариласди;
- «бута» – «сўнача», «бир тол новда», «томчи», «мўйловча» ва «жингалак» элементларининг оддий симметрик йигиндисидан ташкил топган;
- «резавор» – бруслука, қорағат, четан мевалари босма-пилик (ёки маҳкам ўралган қофоз бўлакчаси) билан чизиласди (тушириласди). Крижовник, қулупнай мевалари эса мўйқаламда чизиласди, куриган бўёқдан мевалар сарик ранг билан «жонлантириласди».



Ёғоч идиш.
Хохлома нақшлари


Хохлома москвалик икона чизувчи рассом томонидан яратилғанлыги ҳақида афсона бор.

У подшоҳ ҳузырида хизмат қилған экан. Подшоҳнинг қимматбаҳо совғаларига қизиқмасдан уста, эркинликни афзал күриб, яширинча тунда ўрмонга қочиб кетган. Шу ерларни мақон этган уста энди ўз ишларида рус халқи ва Она заминига оид гўзалликлар акс эттирилған халқ санъат асарларини яратибди. Шунинг натижасида дунёда янги, чиройли гуллар ва ингичка шохчалар билан безалған хохлома идишлари пайдо бўлибди.

Майса нақши



«Новда» нақшлари



Гжель – чинни (фарфор), сопол буюмлар ва идишларни бе-
заш.


Гжель – Гжелка дарёси бўйидаги қадимги қишлоқнинг номи. Бу қишлоқ ўз номини «ёқиши», «ёндириши», «ёниши» сўзларидан олган. XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб гжелда турли хил навдаги лой олина бошлади.

Қадимда ишлаб чиқариш ривожланаётганда гжель турли рангда бўлган. Идишлар, инсон ва ҳайвон кўринишлари ёрқин: яшил, сарик, қизил рангларда бўялган.



Чинни идиш.
Гжель


Чизик ва нуқталар



Гул



Хошиялар



Иш жараёнида бармоқларни тұғри жойлаштириш


1-нусха



2-нусха



3-нусха



- «Бадий нақш турлари» мавзусида фотоальбом тайёрланг.
- «Агар манзарагали-амалий санъат йүқолиб кетса» мавзусида муҳокама матн ёзинг.



Қозоғистоннинг манзарагали-амалий санъати билан шуғулланадиган халқ усталари ҳақида маълумот түпленг. Тақдимот тайёрланг.




- Турли манбаларга сұяниб, замонавий амалий-санъат усталари ва рассомлари ижодларини күриб чиқинг.
- Манзарагали (безак) расм билан оддий расмнинг фарқи нимада? Жадвални түлдириң.

	Батик	Гжель	Хохлома
Материал			
Ранг			
Сюжет			
Хусусияти			



- Замонавий амалий-санъат рассомини халқ ҳунармандларидан қандай фарқлаш мүмкін?
- Сиз «Асар үзи тайёрланган модда тилида гапиради» деган иборани қандай тушунасиз? Буни мисоллар билан асослаб беринг.
- Манзарагали-амалий санъат асарларыда рассом үз ҳис-туйғуларини ифодалаш учун қандай бадий ифода усууларидан фойдаланади?
- Нақшнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, анъаналар ҳақида нима дейсиз?
- Қадимий нақшлар намунасини топинг ва уларни чизинг.

§ 6. БЮОМ ЭСКИЗИННИГ ИШЛАНМАСИ. МАТЕРИАЛ ВА АСБОБЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ



Суратларга қаранг ва уларнинг қандай бадиий нақш түрига мүлжалланганигини аниқланг.

**Хомаки расм
Эскиз
Sketch**

Ҳар бир рассом ишини бошлишдан олдин одатда, бўлажак асарининг хомаки чизгиларини (эскиз) қалам билан чизиб олади. Эскиз рассомнинг ўйини тушунишга ёрдам беради. У қўлдан тайёрланиб, масштаби кўз билан аниқланади, чизиладиган расмнинг фақат пропорцияси сақланади.

1. Мустақил равишда бадиий нақшларнинг бирор турини танланг ва буюмнинг эскизини ишланг.
2. Ҳаракатларингиз босқичларини аниқлаб олинг, технологик харита тузинг.



Нақшларнинг бирор элементини бажаришга машқланинг ва қоғозга уларнинг намуналарини чизинг.

Ижодий ишлаш учун эскиз намуналари



1. Топшириқни бажариш жараёнида қандай қийинчиліктердің дүркіндерін көрсөткіңдер?
2. Иш янада яхшиланиши учун нимани үзгартіриш керактылығын үйлаб күринг?
3. Дарсда олган билимларнан қандай жағдайларда керак болады?

§ 7. БАДИЙ НАҚШЛАРНИ БАЖАРИШ. МАНЗАРАЛАШ. БЕЗАШ




Тайёр буюмда бадиий нақш ва манзарали безак бажаринг (тандов асосида).

Амалий ишдан олдин нақшлашда хавфсизлик техникаси қоидаларини тақрорлаб олиш зарур.

ХТ

Совуқ батик

1. Оддий қалам ёрдамида А4 форматли қофоз варагида расмнинг эскизини тайёрланг, уни матога күчириң.
2. Қора маркер билан контурларини белгиланг. Расм аниқ, тушунарли ва майда деталларсиз бўлиши керак.
3. Буюмга чизиладиган нақшнинг жойлашиш ўрнини аниқланг, бу жой тугма михлар (кнопка) билан ёғоч рамкага тортилади (яхшиси мих туридаги тугма михлардан фойдаланган маъқул, улар матога заҳм келтирмайди) эскизни матонинг тагига кўйинг, унча ўтқир бўлмаган қалам билан расмни матога күчириңг. Олинган контурларни сувли дисперсия асосдаги заҳира (эритма) билан қопланг, қуришини кутинг.
4. Расмларни бўянг (аввало очик, сўнг тўқ ранглар).
5. Батикни яхшироқ қуриши учун бироз вақт қолдириңг.
6. Буюмни безанг ва расмийлаштириңг.



Хохлома нақши

1. Буюмнинг қизиқарли шаклини ўйлаб топинг ва уни резаворли ёки гулли нақшлар билан тўлдириңг.
2. Қофознинг устини фон ранги – қора ёки сариқ ранглар билан қопланг (грунтланг).
3. Фон қуригандан сўнг асосий ингичка чизиқ билан новда чизинг. Сўнг навбат билан унинг икки томонига мевалар ва гулларни жойлаштириңг.
4. Новдага жингалак майса, ингичка сўнча чизинг. Иш жараёнида расмдаги ранглар жилосини кузатиб боринг.

Гжель нақши



1. Қизиқарли шакл танланг (банкача, шишача), унга пластилинни текис қилиб ёпиштириңг, қизиқарли ёпишма деталлар билан тўлдириб, сув эмульсияли бўёқ билан бўянг.
2. Бурунчаси ва қўлчаларини кўк ранг билан қопланг, идишнинг бўйни ёки асосини алоҳида белгиланг.
3. Майнин думалоқ мўйқаламлардан фойдаланиб, асосий нақшни чизишга ўтинг.
4. Гулни ўртасидан бошлаб чизинг. Мўйқаламнинг бир томонига фақат бир марта бўёқ теккизуб, у билан бутун гулни бўянг, гулни барглар, жингалак ва нуқталар билан тўлдириш мумкин.

Чинни буюмларга нақш солиши

- Шиша идиш тайёрлаб, уни ёғсизлантиринг.

1-нусха (акрил бүёклар билан).

- Буюмни пейзаж, нақшлар билан безанг, қуришини күтинг.
- Буюмни ҳимоя қилувчи лак билан қопланг. Қуритинг.
- Буюмни безанг ва расмийлаштиринг.



2-нусха (витраж бүёклар билан).

- Бирорта қофозга эскиз чизинг.
- Эскизни файлга жойлаштиринг ва расмни контур билан чизинг.
- Расмни бўянг, қуритинг.
- Расмни файл юзасидан ажратиб олинг, уни ёғсизлантирилган шиша устига қўйинг.
- Ҳимояловчи лак билан қоплаб, қуритинг.
- Буюмни безанг ва расмийлаштиринг.

Акрил бүёклар осон бўялади, тез қурийди, қуригандан сўнг, сувда эриб кетмайди. Ишни туттагандан сўнг, бўёқни ишлатиб бўлган заҳоти мўйқаламни ювиб ташлаш керак.

Кўргазма ташкиллаштириш ва ишнинг тақдимоти

1. Кўргазма учун ижодий ишни безанг.
2. Ўз ишингизга аннотация ёзинг.
3. Савдо-кўргазма учун ном танланг ва безанг.
4. Эълон беринг ва таклифнома тайёрланг.
5. Ишларни шундай жойлаштирингки, улар бир-бирини бекитиб қўймасин.

Ёдда тутинг: Барча ишларда номи, иш муаллифи, унинг ёши, синфи ва ишнинг нархи ёзилиши керак. Ёзувлар бир хил шрифтда, бир хил рангда ва бир хил форматдаги қофоз варақларда ёзилади.

Безалган буюмга қўйиладиган техник талаблар:

1. Барча нақшлаш ишлари техник талабларга жавоб бериши керак.
2. Эстетик жиҳатдан мукаммал бўлиши керак.
3. Ранглар жилоси ушбу буюм осиладиган (жойлаштирилайдиган) жойга мос бўлиши лозим.



1. Сиз қандай халқ хунармандчилиги билан танишдингиз? Уларнинг ўзига хослиги нимада?
2. Халқ усталари сюжет, тимсол, орнаментларни қаердан олишади?
3. Қайси манзарали халқ санъати маҳсулотида гулли композиция кўлланилади?

ДИЗАЙН ВА ТЕХНОЛОГИЯ

§ 8. ТИКУВЧИЛИК БЮОМЛАРИНИ ҚАЙТА ШАКЛЛАНТИРИШ (ТРАНСФОРМАЦИЯ) ВА БЕЗАШ (КИЙИМ, АКСЕССУАРЛАР, БИЖУТЕРИЯ)



1. Суратларни күриб чиқинг. Уларда нима тасвирланган?
2. Улар қандай белгилариға күра бириктирилген?
3. Уларни гурухларга ажратинг.

Қайта шакллантириш
Өзгерту, трансформация
Трансформация
Transformation

Трансформер-буюмлар – бу ташқи күриниш ёки вазифасини алмаштириш мүмкін бўладиган нарсалар.

Трансформер-буюмлар – қулай, омилкор, кўп мақсадли, ҳар сафар янгича күринишга имкон беради.

Трансформациянинг ёрдамида киши бир кун мобайнида ўз ташқи күринишини (либосини) яхши томонга ўзгартириши мумкин, кийим алмаштириш учун уйига келмасданоқ, кийимини ўзгартириб ҳар қандай вазиятларга мос кўрина олади.

Трансформация усуллар:

- кийимнинг қисмлари ёки деталларини «узайтириш – қисиши»;
- кийимнинг қисмлари ёки деталларини «ажратиш – қўшиши»;
- кийим деталларининг ўлчамлари, ҳажм ва шаклини «тартибга солиш – бекитиш»;
- кийимнинг қисмлари ёки деталларини «ўраш – ёйиш»;
- кийимларнинг тўлиқ ҳажмини «йўқотиш – пайдо қилиш»;
- кийимнинг қисмлари ёки деталларини бошқа қисмлар ва деталлар билан «алмаштириш»;
- деталларини «бириктириш – кириктириш»;
- кийимнинг қисмлари ёки деталларининг «жойини ўзгартириш».

Дизайнер ишларини кўриб чиқиб, буюмларни қайта шакллантиришнинг қайси усуллар билан бажарилганини аниqlанг.



Эски буюмларни қайта яратиш – трансформациянинг турларидан бири ҳисобланади.



Суратларни кўриб чиқинг. Буюмларни қайта ишлаш ва безатиш усулларини атанг.



Ҳар бир уйда узок вақтдан бери қўлланилмайдиган нарсалар топилади. Бу яроқсиз туюлган материаллардан ўз қўлингиз билан ҳар турли ва қизиқарли нарсалар тайёрлашингиз мумкин. Эски джинсилардан оригинал бриджи (шим), капри, шорти (калта шим), фартук, юбкалар тикиш мумкин.

Шунингдек, ванна, ҳожатхона, йўлак учун бўйра, ёстиқ жилдларини тайёрлаш мумкин. Агар эски нарсалардан квадратлар кесиб, бирга тикилса, улардан диван ёстиқчалари ва одеялолар ҳосил бўлади.

Джинсиларнинг чўнтакларини оригинал ва қизиқарли уй органайзерлари ва замонавий ҳамён ясаш учун ишлатиш мумкин.

Шимдан эса кўп илмоқли замонавий сумкалар тикиш мумкин. Бу сумкаларни ёрқин аппликациялар, нақш ва мунчоқлар билан безаш мумкин. Бундай сумкалар



сизнинг кундалик кўринишингизга ажойиб қўшимча (чирой) бўлади.

Джинси қолдиқларидан турли аксессуарлар – браслетлар (билакузуклар), соч турмаклаш учун тўғнагичлар (қисқич) тайёрласа бўлади.

Шундай қилиб, эски буюмлар бошқа турдаги нарсаларга айланиб, бизга яна кўп йил хизмат қилиши мумкин.




Ўз қўллари билан кийимларни безатиш – бу жуда қизиқарли хунар. Оддий бир хил рангдаги буюмни сотиб олсангиз бас, турли (уйда доимо мавжуд бўлган) материаллар ёрдамида ундан ўзингиз шахсий эксклюзив (махсус) буюм яратишингиз мумкин.

Кийимларни безаш, энг аввало, бутунлай кийимга ёки унинг алоҳида элементларига такрорланмас чирой, нафислик, ўзига хослик, назокатлилик каби хосиятларни сингдиришга йўналиши керак.

Тикиш буюмларини безаш учун қўлланиладиган безак элементлар:

- логотип;
- ёпиштирма ёки тикма аппликациялар;
- ранг-баранг мунчоқ, бисерлар ва кристалл бисерлар;
- турли тугмачалар;
- сунъий ялтироқ тошлар (стразалар);
- турли шаклдаги пайеткалар;
- фломастер, бўёқ ва бошқа нарсалар билан бўялган элементлар;
- турли хил тасма ва тўрлар;
- қўлда тикилган кашталар ёки безаклар.

Суратларни күриб чиқинг. Безак элементларини атанг.



1. Олдин тайёрланган эскиздан (§ 6) фойдаланиб, турли материаллардан андаза тайёрланг (картон, газлама, пленка ва ҳоказо).

2. Уни турли сиртқи материаллар ва фурнитура (ёрдамчи ашёлар) билан безанг.
3. Ўз андазангизни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.



1. Кийимни ўзgartиринг (танлов асосида).
2. Эски нарсани янгига ўзgartириш жараёнини чизинг.
3. Фоялардан тақдимот тайёрланг, уни гурухда муҳокама қилинг.



1. Қандай қилиб кийимга «иккинчи ҳаёт» бериш мумкин? Бу муҳимми?
2. Бу трансформерлар нимаси билан қулай?
3. Тикувчилик буюмини қайта шакллантириш жараёнида сизда қандай фоялар пайдо бўлди?

§ 9. ГОЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ. ЭСКИЗ

1. Трансформер-күйим моделини танланг.
2. Иш дафтарингизда шу маҳсулотни трансформациялаш учун эскиз (хомаки расм) чизинг.
3. Шу маҳсулотнинг мўлжалланган график ҳужжатларини тайёрланг (чиизма, лекало, андаза).
4. Танланган буюм номини, қисмлар ва бўлаклар сонини аниқланг.
5. Бу буюмларни трансформация қилишда технологик кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.



Күйим тайёрлаш ҳамма қисмлар, чизиқлар ва элементлар кўрсатилган эскиздан бошланади. Эскиз бизга сўнгги босқичда күйим қандай кўринишда бўлишини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Гоя
Идея
Идея
Idea

Трансформер-күйим эскизи (хомаки нусха)




Эскиз чизишда кийимнинг функционал ва эстетик талабларини эътиборга олиш лозим.

Буюм:

- чиройли, нафис ва мода йўналишига мос;
- тузилиши мураккаб бўлмаган;
- одамнинг ташки кўринишига мос ва қадди-қоматига лойик;
- аниқ ва сифатли бажарилиши;
- экологик тоза материаллардан тайёрланган ва иқтисодий жиҳатдан талабга жавоб берishi керак.

**Трансформер-кийим тайёрлаш технологияси.
Рўмолдан топ тайёрлаш**




1-нусха



2-нусха



Рўмолдан сумка тайёрлаш



Kariza юбка-сарафани



Kariza – бир-бирига тикилган икки яримюмалоқ юбка, ҳар бир юбканинг ўз радиуси бор.



Бу трансформер-юбка Kariza номини ўз ихтироисиниг исмидан олган. У Тинч океани оролларида бўлганида, маҳаллий модадан, унинг ёрқин ранглари ва ипак матоларидан илҳомланиб, ўзининг кўйлак-юбка-парео-пончо ва бошқа бўлиб турланадиган Каризасини чиқара бошлади.

Ҳинд ипак матосидан тикилган ушбу кўйлак трансформацияланишидан ташқари, жуда қизиқ шарқий босмалари билан ҳам эътиборни жалб қилиши мумкин.



Kariza юбка-сарафани. Андаза макетини тузиш

Юбканинг юқори қисми бел ўлчамига қараб ҳисобланади ва шу ўлчамнинг ярми қўшилади. Масалан, агар бел айланаси 70 см бўлса, юбканинг юқори қисми $70 + 35 = 105$ сантиметрга teng бўлади. Давомида оддий кариза юбка сингари бичилади. Белбоғи – тахминан 3 м, маҳсулотнинг узунлиги ўз хоҳишга кўра олинади. Газлама учун икки узунлик + бел ҳажми (Бх) керак бўлади.

1. Бел ҳажми ва буюм узунлигини ўлчанг (Бх ва Бу).



2. А4 форматли қоғоз варагини олинг.




3. Уларни иккига буқланг.



4. Иккига буқланган қоғозни диагонали бўйлаб букинг.




5. Яна бир марта диагонал бўйича букинг.



6. Бел айланасини ҳисобланг. $Bx + 1/2 Bx$.




7. Бу-ни Bx нуқтасидан бошлаб ўлчанг.



8. Қирқинг.



9. Шунга мос юбканинг юқори қисмининг андазасини Бу 20–25 сантиметрга кичрайтириб олинг (танловга кўра).



11. Мато танланг: матонинг ўнги ва тескари (астар) томони ранги ва тўқлигига кўра бир-биридан фарқ қилмаслиги керак.



10. Газламанинг қанча кетишини ҳисоблаб чиқинг.

1. Трансформер-буюм моделини танланг. Танлаган маҳсулотнинг хомаки чизгисини чизинг.

- График ҳужжатларни ишлаб чиқинг (чиズма, андаза ва бошқалар).
- Буюмни трансформациялашнинг технологик кетма-кетлигини (изчиллигини) тузинг.
- Хомаки чизгини синфга тақдимот қилинг.



- Ўз трансформер-буюмингизни яратишда қайси ғоялардан фойдаланишни хоҳладингиз?
- Илгари қандай трансформер-буюмларни учратгансиз?

§ 10. МАТЕРИАЛЛАР ВА УСКУНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Хомаки чизги тайёр бўлгандан кейин матони тўғри танлаб олиш лозим. Бунда кўпчилик табиий газламаларни танлашни афзал кўради. Уларнинг асосий камчилиги – кучли ғижимланишдир. Ғижимланишдан қутулиш ва матонинг хусусиятларини яхшилаш учун табиий толаларга синтетик моддалар қўшилади.

Кийимларни тикиш учун замонавий ва ишончли ускуналар керак: тикув машиналари, кашта тикиш ускуналари, мато қирқимларини тикув оверлоги, дазмоллаш ускуналари ва ҳоказо.

Замонавий тикув машиналари асосий тугунлар ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиб, тикувчининг ишини енгиллаштиради.

Ҳамма тикув машиналари ҳаммабоп ва маҳсус турларга бўлинади. Улар уч турли ҳаракатга келтирилиши мүнкин: қўл ёрдамида, оёқ ёрдамида, электрли.



SIRUBA HSP-6854
маиший тикув машинаси



JACK JK-5559W мокли
маҳсус саноат
тикув машинаси



BROTHER NV-900
кашта тикиш машинаси

Тикув машиналарининг турлари

Маиший тикув машиналари – кундалик ҳаёт эҳтиёжлари учун ишлатилади, аммо улар катта ҳажмли ва кундалик узоқ иш вақти учун мўлжалланмаган.

Саноат тикув машиналари – катта тикув корхоналари ва фабрикаларида касбий даражада фойдаланиш учун қўлланилади.

Электромеханик

Кийим тайёрлаш учун

Компьютерлаштирилган

Каштачилик учун

Тикув-каштачилик

Маҳсус

Оверлоги

Мўйна учун

Машина чоки

Машина тігісі

Машинная строчка

Sewing machine line

Оёқ кийим учун


Гилам оверлогли
ва ҳоказо

Мокли тикув машиналари


Түгри чокли

Зигзагли

Мокли чок




Мокли чокнинг ҳосил бўлиши




Юқори ва пастки ип таранглигини нотўғри созлаш машина нуқсонларига олиб келади.

Машина чоки нуқсонлари


Машина түгри чоки




Юқоридан илиб тикиш




Пастдан илиб тикиш



Таранг чок



Бўш (заиф) чок





Нуқсонли машина чокларининг намуналарини кўриб чиқинг. Нуқсонлар тури ва уларни бартараф этиш йўлларини аникланг. Уларни берилган жадвалга жойлаштиринг.

Тикув машинасининг ишламай қолиши


№	Чокнинг график тасвири	Нуқсонлар	Нуқсонларни бартараф этиш йўллари
1			
2			
3			
4			



Мато қийқимларида юқори қисмда ип таранглигини тартибга келтириш:

1. Мато қийқимини иккига букланг.
2. Хомаки чок юргизиб кўринг.
3. Хомаки чокнинг сифатини текширинг.
4. Қайси чок илмоқланганлигини аникланг.
5. Бу нуқсонни йўқотинг.
6. Ўз ишингиз якунига кўра хулоса ясанг.

Машхур чок турлари ва тикув машиналарининг операциялари



Замонавий тикув машиналарида унда бажариладиган чок турлари кўрсатилади. Суратга қаранг, бу машина қандай чок турларини бажара олиши билан танишиб чиқинг.
Бундай чок турларини қаерда қўллаш мумкин?



Дизайнер қўлида кийимни безаш учун фойдаланиладиган машина чоклари ҳам худди қўл чоклари каби газлама (тикув) матоларини хоҳлаган санъат асарига, ноёб буюмга айлантириши мумкин. Безаш сизнинг кийимингизнинг якка хусусиятини яққол кўрсатади ва такрорланмас кўриниш бера олади. Кийимни безаш учун тикувчилик фурнитуралари (иплар, тугмачалар, молниялар, ёрликлар, дублерин, флизелин, қадагичлар, эшилган ип, илгичлар ва ҳоказо); би-чиш асбоблари (игналар, қайчилар); безатувчи материаллар (жияклар, тасмалар, бодичлар, тўрлар, тўқима иплар, мунчоқлар, ялтироқ тошлар, мўйна, чарм ва ҳоказо) (иловага қаранг) фойдаланилади.



1. Турли кийим аксессуарлари ва устки материаллардан безатилган кийим моделларини кўриб чиқинг.
2. Кийим безаш эскизини ишлаб чиқинг. Қандай материаллардан фойдаланиш мумкинligини ўйланг.



1. Безашнинг қандай нусхаларини таклиф қила оласиз?
2. Ҳозирги замонда кийимларни турли материаллар билан безаш долзарб масалами? Нима учун?

§ 11. КИЙИМ-БОШ ЯРАТИШ. ҚИСМЛАРНИ БИЧИШ. АЛОҲИДА ҚИСМЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ. ҚИСМЛАРНИ БИРИКТИРИШ ВА БЮМНИ ПАРДОЗЛАШ. КИЙИМЛАРНИ БЕЗАШ

Кийим-бош – бу ҳар бир буюм тўпламнинг бир таркибий қисми бўлиб, икки ва ундан ортиқ буюмдан ташкил топган кийимлар. Унга қўшимча элементлар (унсур): аксессуарлар ва тақинчоқлар ҳам кириши мумкин.

Кийим-бош
Жыынтық
Комплект
Set



Тикувчилик буюмларини тайёрлашда газламани тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулотнинг андазасини олишдан аввал газламани тайёрлаб олиш керак:

1. Газламанинг ўнг томонини аниқланг.
2. Газламада нуқсонлар бор-йўқлигини текширинг.
3. Газламага иссиқ буғ пуркаб (буғлаш) ишлов беринг.
4. Тукли матоларнинг тук йўналишини аниқланг (бахмал, ярим бахмал, вельвет).
5. Расмнинг йўналишини аниқланг.

Андазани бичишга тайёрлаш:

1. Модельнинг хомаки чизгисига мослаб моделлашни бажаринг.
2. Барча андазада қисмларга номи ва сонини ёзиб, ип йўналишини кўрсатинг.
3. Тикиш учун тайёр бўлган ҳар бир қиймада ўлчамларнинг ҳақларини сантиметрда ёзинг.

ХТ

Амалий иш бошлишдан аввал тикув ускуналари ва матолар билан ишлаш жараёни даги хавфсизлик техникаси қоидаларини такрорлаб олиш лозим.

1. Буюмни бичишга тайёрланг: газламанинг ўнг ва астарини ва нуқсонларини аниқланг ва намлаб-иситиб ишлов бериш (НИИБ) операциясини ўтказинг.
2. График тасвиirlарга кўра маҳсулотнинг деталлари ва қисмларини андазаланг. Маҳсулотни андазалашда қайта ишлашга ва йигишга керак бўладиган чок ҳақига эътибор беринг.
3. Сиз танлаган маҳсулотда ишлатилиши мумкин бўлган улаш ва чекка тикиш турларини бажаринг. Бунда уларни бажариш технологиясига риоя қилинг.
4. Технологик кетма-кетлиқдан фойдаланиб, трансформацияланган маҳсулотнинг қисмларини туташтириш ва қайта ишлаш операцияларини тикув машиналарида бажаринг.
5. Безаш учун турли безак материаллари ва фурнитураларини ишлатинг.
6. Керакли мосламаларни танлаб, тайёрлаш жараёнида НИИБ операцияларини бажаринг.
7. Сўнгги безак ва ижодий ишингиз дизайнини амалга оширинг.
8. Маҳсулотнинг сарф-харажатини ҳисобланг.



Газламага андазани жойлаштириш нусхалари

1-нусха



Узун юбка (энсиз матодан бичилганды) икки ярим айланадан бичилади.

2-нусха







Андазалаш учун газламани 2 қават қилиб баробар бусланг.


Юбканинг пастки қисмини қайта ишлаш

№	Бажариш кетма-кетлиги	График тасвирлар
1	Юбканинг астарда иккита чизик – қирқимдан 4 см ташлаб (пастки қирқимни буслаш учун 3 см + чокни қайта тикиш учун 1 см) биринчисини, пастки қирқимдан 1 см ташлаб иккинчисини юритинг.	<p>Пастки қисмни қайриш чизиги Бусланган қирқим чизиги</p>
2	Белгиланган чизик бўйлаб 1–1,5 см узунликда тўғри чок юритинг.	


Юбка пастки қисмини қайта ишлаш (давоми)

№	Бажариш кетма-кетлиги	График тасвирлар
3	Букланган четидан 0,5–1 см ташлаб, пастки қисмини қайта ишлашга тайёрлаб бөлгиланг. Сифатини текширинг: тикишга рухсат этилган юбка пастки қисмининг эни унинг узунлиги билан бир хил бўлиши керак.	
4	Букланган жойдан 0,1–0,2 сантиметрга иккинчи белгиланган чизик бўйлаб кўкланг ва 1 сантиметрга етказинг.	
5	Газлама рангида мослаб №№ 50–60 пахта ип билан 1 сантиметрда 2–3 илмоқли ички тикишни амалга оширинг. 0,2–0,3 см букиш учун ташлаб ва шу ўлчамда асосий матони ушлаб олиб, игнани газламага киритинг. Кейинги илмоқларини бажаришда игнани олдинги илмоқ билан бирга киритиш керак.	
6	Букилган қирғонини ички томондан дазмолланг, вақтинчалик чокларни олиб ташланг ва тўлиқ фиксация учун яна бир марта дазмолланг.	


Юбка белбоги ва қисмлари




Бичилган белбогни юбка қисми билан ўнгини ичига қаратиб жойлаштиринг. Уларни бел қирқимидан 1 см масофада белгилаб олинг ва чатинг. Белбогни ички томонидан дазмолланг.



Белбогнинг бўш қисмини ўнг томони билан ичкарига қилиб ён кесмасигача юбка бўлагига тикилади. Қисқа кесимларда эгма чоклардан фойдаланинг, оптиқасини кесиб ташланг.



Белбогнинг бўш қисмини ўгириб, уни тескари томонга қаратинг: белбогнинг ички қисмидаги кесимини бир ярим сантиметрга эгинг ва кўклаб тикинг.



Белбогни маҳсулотнинг ўнг томони бўйича бириткириб, чокка яқин қилиб ички бўлак билан тикинг. Тайёр буюмга НИИБ бажаринг.



Буюм таннархининг ҳисоби

Газлама номи	Ўлчам бирлиги учун шартли нархи	Буюм учун ишлатилган газлама	Материал учун сарфланган харажат

Иш якуни:

Иш тақдимоти ва кўргазма ташкиллаштириш.

Кенг омма учун тайёр ишингизнинг тақдимотини ўтказинг (кўргазма, мода намойиши ва бошқа).



1. Кўргазма учун, ускуналар ёки моделларни намойиш қилиш учун жой танланг.
2. Модель намойиши ёки кўргазмага учун таклифномалар ишлаб чиқинг.
3. Моделни намойиши учун тимсол ўйлаштиринг ёки кўргазма учун қўшимча материаллар танланг.
4. Намойишга жўр бўладиган ташкилий-техник воситаларни ўйлаштиринг (музиқа, интерфаол ускуналар ва бошқа).
5. Намойиши жараёнида ўз ғояларингиз ва уларни амалга ошириш усулларини тушунтириб, ишингизни шарҳланг. Маҳсулотнинг тайёрланиши ва иш фаолиятининг барча босқичларини ифодалайдиган материалларни кўрсатинг (андазалар, график ва технологик ҳужжатлар, маҳсулотнинг трансформациядан олдинги ва кейинги фотосуратлари, маҳсулотни трансформациялаш босқичларининг фотосуратлари).
6. Маҳсулотнинг сўнгги таннархини эълон қилинг, унинг бажарилиши мақсади ҳамда маҳсулотни тўғри танлаш ҳақида хуносангизни айтинг.
7. Кўргазма ёки модель намойиши тўғрисида томошабинларидан сұхбат олинг.
8. Бажарилган буюмнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг, яъни унинг афзалликлари ва камчиликларини айтинг.
9. Томошабинларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотнинг сифати ва эстетик кўринишини яхшилаш мақсадида унда нимани ўзгартириш мумкинлигини кўрсатинг.

1. Сиз қандай кийим-бош яратишни хоҳлайсиз?
2. Маҳсулот (буюм) яратишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Маҳсулот яратишда ишни нимадан бошлаш керак?



ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

§ 12. ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ



1. Қозоқ халқынинг ажралып турған хислатлари нимадан иборат?
2. Қозоқ халқыга хос анъанавий қандай таомлар бор?
3. Қозоқ халқынинг дастурхони қандай озиқ-овқатлардан ташкил топади?
4. Қозоқ ва ўзбек ошхонасининг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонларини атанг.

Меҳмандүстлик
Қонақжайлыш
Гостеприимство
Hospitality

Миллий таомлар – турли халқларнинг маданиятини күрсатувчилардан биридир. Уларда тарих, ўзига хослик, мустақиллик акс этади. Шуни тушунмоқ керакки, турли миллатларнинг ошхонаси турлича бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири инсон организмини юқори даражада озиқланиш моддалари билан таъминлаб, табиий ва иқлим шароитидаги ҳаёт тарзига самарали мослашишига имкон тутдириб, асрлар давомида шаклланди.

Бунда миллий ошхонанинг ўзига хослигини аниқловчи бир неча асосий омилларни аташ мумкин: табиий манбалар, иқлим шароити, мамлакатнинг географияси, халқнинг турмуш тарзи (анъанавий тури), диний дунёқараши, кўшни мамлакатларнинг таъсири. Денгиз соҳилларида макон топган халқлар учун, улар ошхонасининг асосини турли денгиз озиқ-овқатлари ташкил қилган, жанубий худудларнинг аҳолиси эса сабзавот, мева ва кўкатлардан фойдаланган.

Пазандачилик, халқ анъанавий байрамлари – миллий маданиятнинг ажралмас бўллагидир. Қозогистон Республикасида 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Ҳар бир халқнинг гас-строномик майллари одат кучларини сингдирган ҳолда асрлар оша тўпланиб келинган, миллий урф-одатларни шакллантирган.

Қозоқ халқынинг миллий дастурхони табиий озиқ-овқатлардан ташкил топган. Пишлок, жент, қаймок, сариёғ, қимиз, шубат, наврӯз гўжа, қази, қарта, жал, жая (йилқининг суяксиз гўшти – лаҳм), дудланган гўшт, думба, жигар, чалпак, бўғирсоқлар, қозоқча гўшт, қовурдоқ – булар бой қозоқ миллий ошхонасининг унча катта бўлмаган рўйхатидир.

Хамиртурушлы хамирни тайёрланиш технологияси

Хамиртурушлы хамир иккى хил усул билан оширилади: ачитқили ва ачитқисиз. Ачитқилини дамланган хамир тайёрлаш учун ишлатади.

Ачитқи – бу суюқ хамир. Уни тайёрлаш учун уннинг барча ҳажмининг 1/4 қисми ва рецептта күрсатылғандай хамиртуруш, күпроқ миқдорда суюқлик (сут ёки сув) олинади. Шунинг асосида хамир қорилади.

Хамиртурушлы хамир учун күпчиган хамиртуруш тайёрлаш

1



2



1. Сиз қандай ўйлайсиз, ачитқини тайёрлаш учун қандай ҳароратдаги суюқлик ишлатылалди?
2. Ачитқини тайёрлашнинг технологик жараёни бүйича тажриба ўтказинг.
3. Ачитқи тайёрлаш учун қуидагилардан фойдаланынг:
 - совуқ сув;
 - илик сув;
 - қайноқ сув.
4. Хамиртурушлар қандай ҳолатта келди? Қандай ҳароратдаги сувда ошиш жараёни тезроқ ва самаралироқ содир бўлди?



1. Хамиртурушлы хамирдан маҳсулот тайёрлашнинг технологиясини ўрганинг.
2. Ўзингиз хоҳлаган унли таомлардан бирини ҳозирланг.
3. Тайёр бўлган таомларнинг таъми, сифатини ва тайёрланиш жараёни билан боғлиқ жиҳатларини аникланг.

Қозоқ миллий ошхонасида күпчилик ҳали эшитмаган таомлар бор. Уларнинг ҳозирланиш сирлари олис овулларда ёки Хитой ва Мұғалистанда яшаётган қозоқларда сақланиб қолган.

Қозоқ халқынинг анъянавий ошхонаси гүштли ва сут маҳсулотларига асосланган. Кейинроқ бу рўйхатга сабзавотлар, мевалар, балиқ, денгиз, қандолат маҳсулотлари ва унли таомлар кўшилди.

Замонавий таомлар қадимий ва миллий таомлар технологиясининг уйғунлаштириш йўли билан яратилмоқда. Улар ҳисоби, ошхонанинг техник ускуналар билан таъминланиши, идиштовоқ ва анжомлари ҳамда тайёрлашнинг ташкиллаштирилиши билан фарқланади, шу билан бирга улар, қозоқ миллий урф-одатлари ва халқ анъяналарининг мазмунини сақлашга ҳаракат қиласади.

Бўғирсоқлар

Идиш ва асбоблар: това, элак, газлик, пичноқ, товоқ.

Маҳсулотлар мөъёри: хамир учун: ун – 700 г, қуруқ хамиртуруш – 10 г, сут – 1 ст., ўсимлиқ ёғи – 50 г, туз – 0,5 чой қошиқ, шакар – 1 ош қошиқ; қовуриш учун: ўсимлиқ ёғи.

1



2




3



4



5



6



7



8



Бўғирсоқ – бу қозоқларнинг анъанавий ун маҳсулоти.

Қоидага кўра, ширин ёки хамиртурушли хамирдан унча катта бўлмаган кўпчиб пишган кулча шаклида (ромб ёки думалоқ шаклда), қозонда ёғда қовурилиб тайёрланади. Хамиртурушли хамирнинг тайёрланиш сири авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Номланишининг ўзи қозоқча «бауыр басу, бауырласу, бауыр» сўзларидан олинниб, «бирлашиш, иттифоқ бўлишга интилиш, қариндош, оға-ини» каби маъноларни англатади.

Бўғирсоқ – туркий халқларнинг анъанавий нон турларидан биридир. Тайёрлаш усулининг қайси халқа тегишли эканлигига кўра хамирнинг таркибий моддалари бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бўғирсоқнинг творогли турлари ҳам мавжуд.

Бўғирсоқлар чой билан тортиладиган ва кундалик танаввул таоми ҳамда мустақил байрам таоми сифатида дастурхонга тортилади. Улар билан турли асалли қиёмлар (шарбатлар) тортилиши мумкин.

Қозоқча сомса

Идиш ва асбоблар: това, товоқ, газлик, пичноқ, пишириқ печи (духовка), тунука това.

Маҳсулот меъёри (10 дона учун): гүшт қиймаси – 350 г, пиёз – 1 дона, ун – 2 стакан, зира-вролар, туз – таъбга кўра.

Қозоқча сомса учун хамирни кўпчиган хамиртурушсиз усул билан, шунингдек, сут, кефир, қаймоқ, қатиққа ош содаси ёки хамирни кўпчитувчи кукун (разрыхлитель) қўшиш билан тайёрлаш мумкин. Масаллиқ – гүшт қиймаси.



Қозоқ халқининг анъанасига кўра меҳмонга ярим тўлдирилган пиёлада чой берилади. Пиёлага тўлдириб қуйилган чой, мезбоннинг меҳмонни тез кузатиб қўйиш ниятини билдиради.

Францияда таомни тез ютиш аҳмоқлик ҳисобланади. Агар шошиб овқатлансангиз, атрофдалар сизга нафрат билан қарашади.

Кореяда ҳам дастурхон атрофида овқатланишни ёши улуғ одам бошлаб беради.

Италияда пишлоқни қўшимча сўраб олиш одобсизлик ҳисобланади. Бу ошпазни ҳақоратлаш билан тенг ҳисобланади.

Буюк Британияда шўрвани ўзига қаратиб қошиқлаб олиш одобсизлик ҳисобланади.

Нигерияда болаларни товуқ тухумлари билан овқатлантириш қабул қилинмаган, негаки, бола товуқ тухумини еса ўғри бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади.

Ямайкада ҳали тили чиқмаган болаларга товуқ гўштини беришмайди. Товуқ гўштини истеъмол қилган тили чиқмаган бола ҳеч қачон гапирмайди, деган ақида юради, халқ орасида.

Хитойда овқатланаётганда ургани (лағмон) кесишига йўл қўйилмайди. Узун угра узоқ уртимсоли ҳисобланади. Агар одам ургани кесса, у гўёки ўз умрини қисқартиради. Шунингдек, овқатланадиган таёқчалари билан бирорни кўрсатишга бўлмайди. Бу ишора қўполлик ҳисобланади.

Германияда нон қўл билан олиб ейиладиган ягона таомdir.

- Сиз қандай ўйлайсиз, миллый таомларнинг ўзига хослиги нимадан иборат?
- Сизнинг уйингизда қандай миллый таомлар пиширилади?



§ 13. ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ОШХОНАСИ (МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТ)

Ер юзида мавжуд ҳар бир миллат ўзининг анъанавий таомлари ҳамда бошқалардан ажрабиб турадиган ўзига хос ошхонасига эга.

Рус ошхонаси




Корейс ошхонаси



Ўзбек ошхонаси




Украин ошхонаси



Қирғиз ошхонаси



Испан ошхонаси



Жаҳон халқлари ошхоналарининг бир-биридан қандай фарқи бор?

Анъанавий
Дәстүрлі
Традиционный
Traditional



Турли манбалардан фойдаланиб, МДХ (мустақил давлатлар ҳамдўстлиги), Европа, Осиё (танлов асосида) мамлакатларининг пазандачилик мойилликлари ҳақида маълумот тўпланг.

1. Таомларнинг номланишига, уларнинг тайёрланишига, дастурхонга тортиш усулларига, ишлатилган маҳсулотлар ва уларнинг мослигига, маза-таъм хусусиятларига эътибор беринг.
2. Турли халқлар ва жаҳонга машҳур ошпазлар ошхоналариниг ўзига хос хусусиятларини таърифланг ва қиёсланг.
3. Ўзингиз танлаган мамлакат пазандачилик рецептларидан тўплам (буклама, маълумотнома ва бошқа) тузинг.
4. Миллий таомлар таркиби ва халқ турмуш тарзи орасидаги боғликлигини ёритган ҳолда, ўзингиз ёқтирган таомлар тақдимотини тузинг.

1. Таом рецептини танланг, унинг асосий таркибини атанг ва тайёрланиш технологиясини ўрганинг.
2. Таом тайёрлаш учун зарур бўлган идиш, асбоб-ускуналар номини айтинг.
3. Таом тайёрлаш жараёнини айтинг. Хавфсизлик техникаси қоидаларини эсланг.



Ҳар бир миллий ошхона учун маълум маҳсулотларнинг (гўшт, сабзавот, кўкатлар, зираворлар тури ва ҳоказо) ишлатилиши ва уларга қайта ишлов бериш усуллари хосdir.

Анъанавий рус ошхонаси дондан (ёрма) тайёрланган таомлари билан ажралиб туради: турли бўтқалар, пироглар, крупениклар, нўхат ва ясмиқдан тайёрланган таомлар. Рус халқининг овқатланишида (рационида) турли пироглар, пишириклар, кулебякалар (сомса тури), расстегайлар (парамач), блинлар, оладьи (суюқ хамирдан) ва бошқалар катта рол ўйнайди.

Украина ошхонаси ҳар доим хилма-хиллиги ва амалийлиги билан ажралиб туради. Нонушта, тушлик ва кечки овқатлар тайёрлаш учун печлардан фойдаланишади ва бу печларда ҳамма вақт таомлар тандирда сақлагандай иссиқ туради. Турли таомлар тайёрлашда тез-тез ишлатидиган энг машҳур маҳсулотлар – бу бекон, чўчқа гўшти, буғдои уни, тухумлардир. Украина дастурхонининг асоси – карам шўрва (борщ), бўтқа, варениклар ва картошкадир.

Қирғиз ошхонаси таомларининг ўзига хослиги унинг турли гўштли, сутли ва унли масалликлардан ташкил топишидир. Гўштли таомлар тайёрлаш учун ҳар хил гўшт турлари: кўй гўшти, от гўшти, мол гўшти, парранда гўшти ва ёввойи ҳайвонлардан – тоғ эчкиси гўшти, киийик гўшти ишлатидади. Гўштга иссиқ ишлов беришда кенг тарқалган усулларидан бири – бу қайнатишдир.

Корейс таомлари дунёдаги энг фойдали таомлар ҳисобига киради. Бу таомлар донли (соя, мунг донлари, адзука ва бошқа нўхат турлари) ҳамда соя маҳсулотлари (сояли сут, тофу, окару, соя соуси) маҳсулотларни кўп ишлатлиши билан машҳурдир. Корейс ошхонаси зираворларга унчалик бой эмас. Улар фақат саримсоқ пиёз ва гармдори ишлатишади. Улар турли нисбатда қўлланилади, шунинг учун ҳар хил таъмли бўлиб чиқади.

Бир хил маҳсулотлардан турли миллат ошпазлари турли йўллар билан иссиқ ишлов бериш (қайнатиш, дудлаш, пишириш) ҳамда очиқ ўтда ва печда пишириш орқали таомлар тайёрлашади. Бу таомлар бир-биридан мазаси, таъми ва кўриниши билан фарқ қилади.

Ўзбек миллий таомларининг тайёрланиши бир қанча Осиё давлатларида тайёрланадиган таомларга ўхшаш. Аммо ўзбек ошхонасининг ушбу таомларни тайёрлашда ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Ўзбек миллий таомлари: палов, лагмон, манти, мастава, димлама, мошчири, мошхўрда, кабоб ва бошқа. Қандолатчилик маҳсулотлари: нишолда, парварда, холва, новвот. Ўзбек ошхонасининг таникли ва донги дунёга тарапланадиган таомларидан бири паловдир.

1. Қайси маълумотларнинг сизга фойдаси тегди?
2. Қайси миллий ошхона таомларини ёқтирасиз?
3. Мавзуни ўрганиш давомида олган билимларингиз келажақда сизга керак бўладими?



§ 14. ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ОШХОНАСИ. АМАЛИЙ ИШ (СУШИ, ПИЦЦА, ГЎЖА)

Пишириш технологияси. Суши



Суши хитой иероглифида «зираворланган балиқ» маъносини англатади. Суши яратилиш тарихига кўра Жанубий Осиёдан келиб чиқсан бўлиб, унда қайнатилган гуруч ва консерваланган балиқ ишлатилган. Тозаланган ва майда бўлакларга бўлинган балиқ тузланиб, гуруч билан аралаштирилади. Ундан кейин тош билан бостириб қўйилади. Бирор ҳафтадан сўнг қопқоқлари алмаштирилади. Бир неча ой мобайнида балиқ билан гуручнинг сут кислотали ферментацияси жараёни бўлиб утади, натижада балиқ бир йил давомида ейишга яроқли бўлиб қолади. Ёқимсиз ҳидли елим массага айланган гуруч эса, ташлаб юборилган ёки янги етказилган балиқларни тайёрлаш учун фойдаланилган.

Тахминан VII асрлардан бошлаб Хитой ва Таиланд орқали утиб, бу консервациялаш усули Японияда ҳам оммалашди.

Пицца





Пиццанинг анъанавий ватани бўлиб Неаполь ҳисобланади. Хамирга помидор, пиш-лоқ ва бошқа масаллиқлар қўшиб тайёрлашни ким биринчи бўлиб ихтиро қилганлиги ҳанузгача аниқ эмас.

Пицца – бу камбағаллар нонуштага истеъмол қилган доира шаклдаги нон. Ҳар бир уйда, ҳаттоқи nocte оиласда ҳам, пастки (пиширувчи) қисми тошдан ишланган кичкина печлардан фойдаланилган. Ушбу тошлар устида қуритилган бўлажак пиццанинг асоси – хамирили нонга масаллиқ солинган. Улар бир лаҳзада тайёрланиб, дастурхонга иссиқ ҳолда тортилган. Чунки италияликлар совиб қолган пиццани тан олишмаган.

Вақт ўтди. Италия камбағаллари тарафидан ихтиро қилинган бу пазандалик маҳсулоти аллақачон дунёдаги таникли таомларнинг бирига айланди. Англия, Голландия, Швейцарияда маҳсус пиццериялар очилган. Францияда эса яриммаҳсулот пиццани пазандачилик дўконларидан сотиб олиш мумкин. Пицца Қозогистонда ҳам кенг тарқалган.

Угра оши (кесиб тайёрланадиган таом)

1



2



3



4



5



6



7



8



Наврӯз гўжа (Наурыз көже) – қадимдан Наврӯз байрамининг асосий таомидир.

Бу анъанавий баҳор таоми етти ҳаётбахш таркибий моддаларни: сув, гўшт, туз, ёғ, ун, сут, дон-дунларни (гуруч, буғдой, маккажўхори) ўз ичига олиб, баҳт, омад, донолик, соғлик, бойлик, ривожланиш ва коинот ҳимоясини рамзлади.

Наврӯз гўжа тайёрлаш усуслари жудаям кўп: ҳар бир оиланинг ўз рецепти бор. Масаллиқлар йигиндиси тайёрловчи одамнинг дидига боғлиқ.

Асосийси, масаллиқларнинг сони еттитадан кам бўлмаслиги лозим.

Тайёр таом тақдимоти

Ташқи кўринишини мажмуадаги (буклет, маълумотнома) тасвир билан қиёслаб, тайёрланган таомлар намойишини ўтказинг.

Таъм хусусияти ва ташқи кўринишига сабаб бўлган мустақил танловда ўзгартирилган маҳсулотларни изоҳлаб беринг.

Таъм хусусиятлари ва тайёрлаш жараёни боғлиқлигини аниqlаган ҳолда тайёрланган таомларни татиб кўринг.



Халқ пазандачилик санъати – бу халқларнинг кўпасрлик ижодининг меваси.

Миллий ошхона – бу улар маданиятининг бир бўлагидир. Худди адабиёт ва санъат, мусиқа ва шеърият каби пазандачилик ҳам қийин тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. У турли оқим ва йўналишлар, кўшни миллат таомлари таъсирида ўзгаришларга учраган.

Ибтидоий давр одамларининг ошхонаси қанчалик содда бўлмасин, у ривожланишнинг узоқ ва оғир йўлни босиб ўтди. Йиллар давомида у замонавий фан ютуқларини ўз ичига олиб, ажойиб пазандачилик санъатига айланди. Қадимий касблардан бири – ошпазлик тараққиёт билан бирга ривожланди. Инсон келиб чиқиши тарихида қадим замонлардан то шу кунгача ошпазлик санъати юқори чўққиларга чиқди ва муваффакиятсизликларга учради. Таомни гоҳо энг яхши завқланиш деб қабуллаб, чўққиларга кўтаришарди, гоҳида нафрат билан қоралашарди.

Бугунги кунда ошпазлик касби – эътиборли ва жуда кераклидир. Бунда таниқли ошпазлар теле-шоуларда, маҳорат-дарсларида қатнашмоқдалар, улар ҳақида кинолар тушириляпти.

20 октябрь – Халқаро ошпазлар куни деб қабул қилинган.



Энг таниқли ошпазлар

Ален Дюкасс, Франция. Бу француз ошпазликка оддий қишлоқ йигити сифатида кириб келган. Дюкассынг меҳнатсеварлиги, фантазияси уни муваффакият йўлининг барча босқичларидан ўтишга имкон берди. Унинг империясига 11 атоқли ресторани, юқори даражадаги бистро-кафелари, фастфуд ошхона тармоқлари, ошхона санъати мактаби киради.





У ноёб ва унунтаган рецептлар бўйича мутахассис.



Гордон Рамзи, Буюк Британия. 1998-йили иқтидорли ошпаз Gordon Ramsay at Royal Hospital Road номли ўз муассасасини очди, бу унинг империяси ўсишига сабаб бўлди. У ўз иш-тажрибаси баён қилинган 14 китоб чоп этди.

Бош ошпазнинг «Рамзи ошхонаси аҳволи», «F-дан бошланган сўз», «Дўзах ошхонаси» ва «Қайнаш даражаси» каби теле-шоулари уни жаҳонга танитди.

Вольфганг Пак, Австрия. Пазандалик санъати даражасига етишда у кўп нарсани пазанда бўлиб ишлаган ўз онасидан ўрганганд. 1973-йили у Америка Қўшма Штатларига кўчиб ўтди ва у ерда шахсий «Спаго» ресторанини очди. Вольфганг Пакга машҳурликни Америка ошхонасидаги замонавий француз пазандачилиги китоби олиб келди. Вольфганг Пак «Оскар» тақдимоти якунида тантанали кечки овқат ўюштирувчи компания ташкил қилган бўлиб, мана 10 йил давомида ишлаб келяпти.



Ферран Адриа, Испания. Адриа ўз иш фаолиятини Каталония ресторанида идиш юувучи сифатида бошлаган. Ферран Адриа нинг шиори – бетакрорлик ва ўзига хослик. Унинг рецептлари мавжуд ва одати таъм ва маза кўникмаларини бутунлай ўзгартирди. Яратган таомларида у янги қирраларни: ширин-тузли, қаттиқ юмшоқ, иссиқ-совуқ аралашмаларни шакллантиради. Шунинг учун Ферран Адриани ошхона соҳасидаги олим деб аташади.

Нобуюки Нобу Мацухиса, АҚШ. Бу ошпаз фьюжн-ошхона ташкил қилиш орқали жаҳонга танилди. Унда асосан перуан ва аргентина ошхоналарини намойиш қилувчи Жанубий Америкадан олинган ингредиентлар билан мумтоз япон таомлари уйғунлашади. Бosh ошпаз иккита китоб чоп этган. Нобу саҳийлик танитиб ўз рецептлари билан ўртоқлашади, у – «рецептларни кўчириш мумкин, қалбни – йўқ», деб хисоблайди.



Джейми Оливер, Англия. Сифатли ва мазали озиқ-овқатлар ўзига хос таъмига эга ва улар ошпаз томонидан қўшимча «либосларга» муҳтож эмаслигига одамларни ишонтира олган пазанда. Джейми Оливер шахсий «Fifteen» ресторанида ва унинг бошқа мамлакатлардаги филиалларида ўзининг пазандачилик жавҳарларини яратса бошлаган. Ошпаз ва телевидудуз ўнлаб теле-шоуларда қатнашиб, ўндан ортиқ китоблар чоп этган.

Александр Трёгубенко, Қозогистон. Иш тажрибасини ошхонада идиш ювишдан бошлаган. Тез орада пазандачилик кўнималарини эгаллаб, кабоб пиширувчи, сўнгра эса билим юртини тугатгач, ошпаз бўлди. Кейин ошпаз фартугини банк менеджери костюмiga алмаштириди. Бироқ яна ошхонага қайтиб, ресторонда бош ошпаз лавозимига кўтарилди. Вақт ўтиб, у ўзининг кейтеринг (манзилга бориб хизмат кўрсатиш) агентлигини очди. У пайтда Қозогистонда уйга ошпаз чақириш тўғрисидаги хизмат ҳақида ѡчек ким билмас эди. Шу билан бирга у ресторан очмоқчи бўлган инсонларга маслаҳат берса бошлади.



Қозогистонда таомга ва ошхонага бўлган муносабат ўзгачадир. Таом тайёрлашни билган одамни хурмат қилишади ва қадрлашади.

2005-йил Қозогистонда пазандалар Ассоциацияси ташкил қилинди (2015-йилдан пазандалар миллий Ассоциацияси), 2006-йил бош ошпазлар Ассоциацияси ташкил қилинди. Бугунги кунда уларнинг жамғармасида фахрланса арзигулик ютуқлари кўп. Улар мунтазам равишда турли ўқув дастурлари, пазандалик йигинлари ва маҳорат-дарслар уюштироқда.



2010-йилдан бошлаб Қозогистоннинг бош ошпазлар Ассоциацияси жаҳоннинг турли давлатларига боришади ва кўпгина мукофотларга сазовор бўлишмоқда: 20 олтин, 40 кумуш ҳамда бир неча бронза медаллари, кўпгина кубоклари бор. Қозогистоннинг пазандалар Ассоциацияси ва Қозогистоннинг бош ошпазлари Ассоциацияси ҳомийлигида уюштирилган Халқаро пазандачилик фестивали Алматида 2013-йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтди.

2015-йилдан бошлаб, мунтазам равишда «ШЕФ BATTLE» – Қозогистоннинг бош ошпазлар Чемпионати ўтказилиб турди.



ҮЙ МАДАНИЯТИ

§ 15. МАИШИЙ ТЕХНИКАНИ ТАНЛАШ. МАИШИЙ ТЕХНИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ



- Маиший техника асбобларини күриб чиқынг. Уларнинг номларини ёзинг, уларни қандай гурухларга ажратиш мумкин?
- Сизнинг үйингиздә қандай маиший техникалар бор? Қандай ўйлайсиз, қайси техникасиз яшаш мумкин эмас?

**Маиший техника
Тұрмыстық техника
Бытовая техника
Household appliances**

- Бирорта майший хизмат кўрсатиш техникасини танланг.
- Ишлатиш сифатини, кундалик фойдаланишдаги хавфсизлиги қоидаларини ўрганинг ва баҳоланг.
- Ўз танловингизни асослаб, синф олдида бу хабарнинг тақдимотини ўтказинг.



Машиий техника – кундалик турмушда ишлатиладиган техника. Инсоннинг кундалик ҳаётида яхши шароит яратиб, уй ишларини бироз енгиллаштириш учун ишлаб чиқарилади.

Кўпинча одамнинг барча ишларини бажаради. Бундай техникани мақсадли равишда гуруҳларга тавсифланади.

Ўлчов асбоблари

Ҳар хил параметрларни ўлчаш учун ишлатиладиган асосий майдагина техникаларга қўйидагилар киради:

- ошхона тарозиси (товоқчали, яssi, графин шаклидаги, осма);
- одам оғирлигини тортиш учун пол тарози; оғирлиги ўн килограмгача бўлган болаларни тортиш учун маҳсус кюветли тарозилар;
- кўл тарозилар (балиқ овида, дала ҳовли, бозорда);
- соатлар (пол соатлари, стол соатлари, камин соатлари);
- кўнғироқли соат;
- тана, хона ҳавоси ва кўча, сув ҳароратларини ўлчаш учун термометрлар.

Электрон ҳисоблаш техникаси

Бу техникасиз замонавий инсон ўз ҳаётини тасаввур эта олмайди.

Унга:

- калькуляторлар (ҳисоблаш операциялари учун мўлжалланган портатив қурилма);
- смартфонлар (миникомпьютер тарзидаги кўп қиррали уяли телефон);
- планшетлар ва маҳсус компьютерлар;
- ноутбуклар киради.

Ошхона техникаси

Вазифасига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади:

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш. Озиқ-овқат маҳсулотларини қисқа вақт ичида бузилишдан музлатгичлар сақлайди. Узоқ вақт музлатиб сақлаш учун эса музхона тўғри келади.

Механик ишлов бериш. Жуда қийин ва нохуш ишлардан ҳалос этади. Миксер суюқ аралашмани тез аралаштириш имкониятини беради. У ичимлик, крем, пюре, хамир тайёрлаш учун қўлланилади. Анча қаттиқ ва тигиз озиқ-овқатларни блендер ёрдамида майдалаш мумкин, гўштқиймалагич гўштни қиймага айлантиришга ёрдам беради. Ошхона комбайни деб аталадинг бир қурилма бир неча вазифаларни ўзида мужассамлаштирган.

Иссиқ билан ишлов бериш. Электр ва газ плиталари. Индуksияли ток ёрдамида маҳсус қозон ва товаларни қиздириш учун индуksияли плиталар оммавий фойдаланилмоқда. Турли пишириш режимида фойдаланиш имкониятини берадиган духовка-печлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Микротўлқинли печлар, нон печлари, мультиваркалар, буғлабиширгичлар ҳам кўп қирралидир. Ушбу техникалар ёрдамида таом фойдали ва мазали бўлади. Фақат унга зарур масалликларни қўшиб, пишириш режимини белгиласа ва зарур тугмачани босса етарли.

Бундан ташқари майший ускуналарга қуидагиларни киритиш мүмкін:

- гриль (гүшт қовуриш учун панжара ёки вертел (айланма);
- аэрогриль (қайноқ ҳавони пуфлаш йүли билан таом тайёрлаш);
- фритюрница (озиқ-овқатлар қызиган ёғда тайёрланади);
- тостер;
- вафли това;
- құймоқ това;
- йогурт тайёрлагич ва бошқалар.

Ичимликлар тайёрлаш учун. Донлари қақвамайдалагичда майдаланган ҳақиқий мазали қақвани қаҳвақайнатгич билан қайнатади. Янада күпкірралы асбоблардан бири қаҳва машинасыдир. Чой дамлаш учун сувни қайнатиш имкониятини электр чойнаклар беради. Дармондорили коктейл ва шарбатларни тайёрлаш учун шарбатсиққич керак бўлади.

Ёрдамчи техника

Идиш-товоқларни ювиш учун идишювгич машиналар қўлланилади. Ҳид, тутун, буғларни қайтариш, тортиш учун ошхонада сузгили шамолатгичлар (вентлятор) ўрнатилади. Сувларни иситиш учун эсле электр сувиситгичлари зарур.

Уйни йигиши, тартибга келтириш техникаси

Хоналарни тозалаш учун асосий мослама чанготгичдир. У чангларни тозаловчи, полни ювиш функцияларини бирлаштирган ҳолда юувучи бўлиши мумкин. Ойна, кран, кафель бетидаги турли доғларни (ёғ, мөгор, чўқинди ва чўқмалар) химик воситаларсиз тозалаш учун буғли тозалагичлар, ҳаттоқи, буғли швабралар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Кийимни тозалаш техникаси

Кийимларни тоза ва тартибли сақлаш учун қуидаги «ёрдамчилар» керак:

- кийим ва бошқа тўқима маҳсулотларини тозалаш учун кириювиш машинаси;
- қури тувчи машина;
- дазмоллаш тахтаси;
- дазмол;
- тикув машинаси;
- тугунчаларни қирқишиш учун машина;
- оёқ кийим қуригич.

Қулай микроиқлим яратиш техникаси

Улар:

- салқинлатгич (кондиционер) (ҳавони иситади, совутади ва тозалайди);
 - тозалагичлар (ҳавони тозалайди);
 - ювгичлар ва ҳаво намлагичлар (тозалайди ва намлайди);
 - иситувчи радиаторлар (ҳаво ҳароратини кўтаради);
 - шамоллатгичлар (вентилятор);
 - ҳаво ионизаторлари (ҳавони тозалайди ва янгилайди);
 - метеостанциялар (микроиқлим асосий параметрларини ўлчайди ва кўрсатади).
- Кўпчилик микроиқлим асбоблари ўзида бир неча вазифани мужассамлаштирган. Масалан, намлагич-тозалагич, салқинлатгич-ионизатор ва ҳоказо.

Ташқи кўринишни тартибга келтирувчи майда майший техника

Сочларни тартибга келтириш учун қуритиш ва шакл бериш фенлари, локонларни ушлаб турувчи қисқичлар, соchlарни текислайдиган дазмолча ёрдам беради. Ваннада ирригаторларни (электрли тиш чўткалари), массажерлар ва бошқаларни учратиш мүмкін.

Дам олиш ва машғулот учун техник маҳсулотлар

Юқорида тилга олинган уй ёрдамчилари туфайли сизда бўш вақт топилади. Уни севимли мусиқа тинглаб ёки севимли дастур ёки фильм кўриб ўтказиш мумкин. Бунинг учун қуидаги техникалар мавжуд:

- мусиқавий марказ;
- плеер (аудио- ва видеофайллар намойиш этиш);
- DVD-ўйнатгичлар;
- телевизор;
- ўйинлар қурилмаси;
- радио.

Анча мураккаб техникаларга хонаки кинотеатрлар ва акустик аппаратураларни киритиш мумкин. Ёқимли сонияларни ёдда тутиш учун фотоаппаратлар ва видеокамералар лаёқатли. Узоқ масофада сұхбатлашиш истагини телефон аппаратлари қондиради.

Маиший техникага қўйиладиган талаблар

Ишлатиш муддати – ўз асосий вазифаларини бажараётган вақтда маҳсулотнинг ишлаш давомийлиги.

Эстетик хусусиятлар – маҳсулотнинг эстетик талабларни қондириш қобилияти.

Экологик хусусиятлар – маҳсулотнинг ишлаш жараёнида атроф-муҳитга заарали таъсир кўрсатмаслик қобилияти.

Хавфсизлик – маҳсулотни ишлатиш ва фойдаланишда унинг инсон ҳаёти ва соғлигига, атрофдаги мулкларга беҳатарлиги.



1. Кўлланиш доирасига кўра маиший техникаларни синфларга ажратинг.
2. Маиший хизмат кўрсатиш техникасини қўллаш бўйича йўриқнома ёзинг.



Биринчи электр иситиш асбоблари XIX аср охирида пайдо бўлди ва 1905-йил, катта қаршиликка эга, эримасдан ва оксидланмасдан юқори ҳароратга чидамли бўлган никель, хром ва темир қотишимаси – никромнинг яратилишидан сўнг кенг тарқатилди.

Хар бир электр асбобининг кучланиши, қуввати, стандарт рақами, чиқарилган йили, ишлаб чиқарган корхона номи ҳамда қўлланиш йўриқномаси ёзилган техник паспорти бор.

Йўриқномада ишлатиш қоидалари, асбобга кутим ясаш шартлари, мумкин бўлган нуқсонлари ва уларни бартараф этиш йўллари, кафолат мажбуриятлари кўрсатилади.



«Электр асбоблари» мавзусида кроссворд тузинг.



1. Электр асбоблари бизнинг ҳаётилизни енгиллаштиряптими?
2. Сиз қандай ўйлайсиз, маиший хизмат кўрсатиш техникасисиз яшаш мумкинми? Нега?
3. Ўзингиздаги маиший хизмат кўрсатиш техникасини янгилашни хоҳлайсизми? «Келажак техникасини» чизинг.

§ 16. ЎСИМЛИК – БЕЗАК, ИНТЕРЬЕР ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА



1. Эстетик завқ таңблар жилосини тасвирлаган ҳамда баҳолаган ҳолда интерьер тасвирларини қиёсланг.
2. Үйғуныкта танланган хонаки гуллар турли усбубдаги интерьер дизайнига қандай ургу бера олади?

Интерьер
Интерьер
Интерьер
Interior



Одамлар ўсимликларни кўпайтириш билан қадимдан шуғуланиб келишган. Миср пирамидаларида фикуснинг, хурмоли пальманинг, жасмин ва бошқа манзарали ўсимликларнинг барг ва уруғлари топилган.

Интеръерда ўсимликларни жойлаштириш усуллари

Якка



Тувакка ўтқазилган ўсимликлар композицияси



Террариум



Хонаки боғ



Полда, столда, дераза токчасида



Хонани безаш учун ўсимлик танлаганда унинг қўйиладиган ўрни, умумий манзара ҳамда деразаларнинг сони ва жойлашишини ҳам эътиборга олиш керак. Ўсимликлар хона жиҳозлари ва ранги билан уйғунлашиши керак. Бунда уларга қулай бўлиши керак. Фақат шундай ҳолатларда гуллар нафақат сизни қувонтиради, балки уйда алоҳида мўътадил иқлим яратади.

Хонаки гулларни учта гуруҳга ажратиш мумкин: ёргусевар (кактуслар, колеуслар, эвкалиптар), сояга чидамлилар (папоротниклар, плющ, хонаки узум (циссус)) ва мўътадил ёруғликни талаб қиласиган ўсимликлар – соясеварлар (бегониялар, примулалар, традесканциялар).

Ўсимликларни жойлаштиришда манзарали-бадиий қимматини ва ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Гуллар билан безаш ёрдамида хонани визуал кенгайтириш, ички фазони катталаштириш, хонани ҳар хил мақсаддаги худудларга бўлиш мумкин.

Хонаки гуллар ва табиий материаллардан ишланган буюмлар (деворий кашпо – гултувак со-либ қўйиладиган безакли гулдон, картина, панно) уйда алоҳида муҳит ва шинамлик яратишга ёрдам беради.

Хонани ўсимликлар билан безатишда риоя қилиниши зарур бўлган энг асосий қоидалардан бири – бу камтарлик ва минимализмдир.

Интерьерни безатишда нафақат хонаки гул ёки тирик гуллар, балки қуруқ новдалар ва барглар ҳамда бонсай ҳам тўғри келади.

Бонсай, япон тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда, «патнисда ўсаётган» деган маънени билдиради. Чиройли шаклга келтирилган алоҳида сопол идишдаги пакана дараҳтлар интерьерни безайди, ҳавони тозалайди, унутилмас совға бўлади.

Пакана (карлик) дараҳтлар – бонсай



Пакана бўйли дараҳтларни ўстириш санъати 2000-йилдан бери урфдан қолмай давом этиб келмоқда.

Бонсай Японияга Хитойдан олиб келтирилган. Императорлардан бири ўз маслаҳатчиларида алоҳида залда ўз империясининг моделини – бутун дарёлари, тоғлари, шаҳарлари ва ҳаттоқи дараҳтлари билан тайёрлашни буюрди. Афсонага кўра, ушбу санъат тури айнан шундай пайдо бўлган.

Дастлаб бонсай фақат Узоқ Шарқ мамлакатларида танилган эди, лекин XX асрнинг бошлирида қизикувчан европаликлар пакана дараҳтларнинг биринчи нусхаларини Лондон ва Парижга олиб киришди. Айнан шу ердан бу санъат тури бутун Европага тарқалди.

Икебана ҳам интерьернинг ажойиб безаги бўлиши мумкин.

Икебана – гуллар ва новдалардан алоҳида идишларда композиция яратиш ҳамда уларнинг интерьерга жойлаштирилишидир.

Уни тузишда тирик гуллар, новдалар, майсалар, барглар, мевалардан фойдаланилади. Икебана сизнинг хонадонингиизни бир неча соатдан то бир неча кунгача безаши мумкин. Уларнинг орасида энг чидамли ўсимликлар эса бир йилгача чиройли кўринишини сақлай олади.





Икебананинг ватани Ҳиндистон ҳисобланса-да, бу санъат VI асрда Японияда пайдо бўлган. Лекин айнан японликлар гулдасталар ясашда рамзий ва чукур маънога эга бутун фалсафани – ўзгача санъат турини яратиши.

Икебана сўзи «ўсимликларни тирилтириш» ёки «гулларнинг иккинчи ҳаёти» каби таржима қилинади. Икебананинг яратилиши ҳақида оддий ва мукаммал афсона бор. Кунлардан бирида будда монахлари жалада узилган новда ва баргларни териб, уларни будда ҳайкалининг оёғи тагига қўйидаги сўзлар билан қўйиши: «Ҳаммага раҳмли бўл. Жала синдириган нарсаларни тирилтиришга ёрдам бер». Будда эса хайриҳоҳлик билан бу тортиқ-илтимосни қабул қилди.

Икебана ясашнинг асосида материалнинг табиий гўзаллигини ифодаловчи нозик дид ва соддалик ётади.



Болалар хонасини (мехмонхона, ошхона) ўсимликлар билан безаш ҳамда интеръерни режали безатиш учун безак элементларини яратинг.

1. Дизайнер сифатида безак учун танланган ўсимликлар билан уйғунлаштириб мўлжалланган интеръернинг хомаки расмини 2D форматда чизинг.
2. Флорист сифатида ўсимликлардан фойдаланиб, интеръер учун манзара (икебана, панно, коллаж ва ҳоказо) яратинг.
3. Ўз ғояларингизни амалга оширишда фойдаланган услублар ва усулларни таърифлаш ҳамда муҳокама қилган ҳолда ишингизни намойиш этинг.



Режалаштирилган интеръерни безаш учун икебана яратиш



Ошқовоқнинг тагини текис қилиб кесинг, тепасида кичкина тешикча тешинг, ошқоғни ичидаги уруғларидан бир неча жойдан ёпиштириздаланг. Унга шохли новда- ни ўтқазинг.

Четанинг майдагуда новдагудалар, қорақайин ёнғоги, қуриган баргларни ва гуналарни асосий новдага

Композицияни тугаллаш учун столда барглардан гилемларни түшаб, қорақайин ёнғолари билан безанг, устига эса икебанани қўйинг.

1. Берилган мавзуни ўрганишда сиз қандай янги билимлар олдингиз?
2. Хонангиз интеръеридаги бирор нарсани ўзгартиришни хоҳлармидингиз?



САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

1. Ишни бошлаш олдидан құлни совун билан яхшилаб ювиш керак.
2. Ёруғлик манбай чап ёки орқа томонда бўлиши керак.
3. Ишлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуналарни қулай ва мустаҳкам, текис ва тоза жойга қўйилади.
4. Нақшлар бажараётганда, унинг юзасига турли нарсалар тушиб кетишидан ҳимоялаш керак.
5. Иш вақтида согликни сақлаш учун танаффус пайтида кўзга, қўлга ва белга машқ қилиш керак.

ХАВФСИЗЛИГИ ТЕХНИКАСИ ҚОИДАЛАРИ

• Умумий

1. Дарс бошланишидан 5 дақиқа олдин келинг.
2. Махсус кийимни кийиб олиб, соchlарни рўмол остига яширинг.
3. Асбобларни фақат ўзи ишлатилиши учун мўлжалланган ишларга ишлатинг. Асбобларни ишлатиша улардан фойдаланиш қоидаларини билмассангиз, яхшиси буларни ишлатманг.
4. Ўтмас ва носоз асбоблар билан ишламанг.
5. Ишлаш вақтида асбобларни сизга ўқитувчингиз кўрсатгандек ушланг.
6. Асбоб-ускуналарни ва анжомларни улар учун мўлжалланган жойда сақланг.
7. Асбоб-ускуналарни ва анжомларни ўқитувчи кўрсатгандек қилиб тартибли жойлаштиринг.
8. Иш ўрнини тоза ва озода тутинг.
9. Иш тугагач, ўз иш ўрнингизни яхшилаб йиғишириб қўйинг.
10. Танаффус вақтида синф хонасидан ташқарига чиқинг.

• Пазандачилик ишларини бажаришда

Иш бошлашдан олдин:

1. Ошхона жиҳозларининг созлигини, ашё-анжомлар ва унинг белгиларини текшириб чиқинг.
2. Сирланган идишларнинг бутунлигини текширинг, сирининг кўчган жойлари ёки дарз кетган ошхона идишларини аниқланг.
3. Шамоллатгични ишга қўшинг.

Ишлаётган вақтда:

1. Ошхона электр плитасини ёқишдан олдин дизелектрик гилам устида туриб, унинг корпусида ерга уланган электр ҳимоя симининг борлиги ва ишлашини текширинг. Стол устига ўрнатиладиган электр плитасини ёқишдан олдин унинг шнури ва вилкасини бутунлигини текширинг, плитага тагига ёнмайдиган таглик қўйинг. Очиқ спиралли электр плитасидан фойдаланиш таъқиқланади.
2. Таом тайёрлаш учун фақат сирланган идишлардан фойдаланинг.
3. Сабзавотларни эҳтиёткорлик билан тозаланг. Кartoшка тозалаш учун тарновли, балиқ тозалашга кураксимон пичноқни ишлатинг.
4. Нон, гастроном маҳсулотлари, сабзавотлар ва бошқа маҳсулотларни яхши чархланган ўткир пичноқ билан маҳсус тахтacha устида, кесиш усуулларига амал қилган ҳолда кесинг: чап қўлингиз бармоқлари букилган ва улар пичноқдан маълум масофада бўлиши лозим. Хом ва қайнатилган сабзавотлар, гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотларни кесиш учун алоҳида-алоҳида тахтачалар ишлатилади.
5. Гўштқиймалагич билан ишлаганда, гўшт ва бошқа маҳсулотларни гўштқиймалагичга маҳсус турткич билан итариб киргизиш керак.

6. Қирғичларда ишлаганда эхтиётлик чораларини унутманг, маҳсулотларни маҳкам ушланг, сабзавотнинг майда бўлакларни қирғичга ишқаламанг.

7. Пичноқ ва санҷқиларни бир-бирингизга бераётганда, дастасини олдига қилиб узатинг.

8. Вақтинча сақланадиган озиқ-овқат чиқиндилирини оғзи яҳши ёпиладиган идишларда сақланг.

9. Идишдаги нарса қайнаш вақтида идишдан тошмаслигига эътибор беринг, унинг қопқогини сочиқ ёки ушлагич билан олиш лозим.

Ишни якунлагандан сўнг:

1. Электр плитасини ўчиринг, ўчиришда шнуридан тортманг.

2. Ошхона анжомларини, иш столини, идишларни яхшилаб ювиб қўйинг.

3. Белгиланган жойга ахлатлар, чиқиндиilar ва қолдиқларни олиб чиқиб ташланг.

4. Кийимларни алмаштиринг, шамоллатгични ўчиринг ва қўлингизни тозалаб ювинг.

• Газлама билан ишлашда

Иш вақтида:

1. Игналар ва тўғнағичларни маҳсус белгиланган жойда сақланг (ёстиқчада, қутичада ва ҳоказо), уларни иш ўрнида қолдирманг.

2. Занглаган игналар ва тўғнағичлардан фойдаланманг.

3. Игна билан тикишда ангишвонадан фойдаланинг.

4. Газламага андазаларни тўғнағичнинг ўткир уни билан ўзингиздан тескари йўналишда қаданг.

5. Қайчиларни маҳсус жойларда сақланг, учларини ёпиқ ҳолатда тутиб, бир-бирингизга дастасини олдинга қилиб узатинг.

6. Тикув машинанинг қўзғалувчи қисмларига эгилиб яқинлашманг.

7. Тикув машинада ишлаганда игна қўлни заарламаслиги учун бармоқларни лапкага яқин тутмаслик керак.

8. Ипни қайчилар билан кесинг.

Иш тугагач:

1. Тикув машинасини электр тармоғидан узиб қўйинг.

2. Иш қуроллари ҳолатини назорат қилинг ва иш ўрнини яхшилаб тозалаб қўйинг.

3. Кийимингизни алмаштиринг ва қўлингизни тозалаб ювиб олинг.

• Электр дазмол билан ишлашда

Иш бошлашдан олдин:

1. Дазмолнинг вилкаси ва электр симининг изоляцияси бутунлигини текширинг.

2. Дазмол тагига қўйиладиган маҳсус иссиққа чидамли таглик, дизлектрик гиламча борлигига аҳамият беринг.

3. Қизиб турган дазмолнинг электр шнурларга тегмаслигини назорат қилинг.

4. Қўлни куйдириб олмаслик учун қизиб турган дазмолнинг металл қисмига тегманг ва газлами ҳаддан ташқари намламанг.

5. Электр токига уланган дазмолни назоратсиз қолдирманг.

6. Дазмолнинг нормал ишлашини кузатинг ва иш тугагач, уни электр токидан узиб қўйинг.

Иш тугагач:

1. Электр дазмолни электр токидан ажратинг.

2. Иш ўрнини тартибга келтиринг.

3. Кийимингизни алмаштириб, қўлингизни яхшилаб совунлаб ювинг.

• **Матога расм чизишида**

1. Рамкага газлама тортишда қисқич асбобларининг ишлаш ҳолатини текширинг.
2. Ўзбошимчалик билан заҳиралаш эритмасини тайёрламанг. Иситиш чоғида эритма портловчи ҳолатга келади.
3. Батик билан яхши ҳаво алмашадиган хонада шуғулланинг, чунки эритманинг айрим турлари заҳарли бүғ ажратади.

• **Қайчи билан ишлашда**

1. Қайчини маҳсус жойда, токчада ёки иш кутисида сақланг.
2. Қайчини ёпилган ва ўткир юзларини пастга (фойдаланувчидан олис) қаратиб сақланг.
3. Қайчини узатаётганда ёпиқ ҳолатда узатинг.
4. Иш тугагандан сўнг маҳсус ғилофга солиб қўйинг.

• **Машиий техникани ишлатишнинг умумий қоидалари:**

1. Барча эскирган ва носоз ускуналарни дарҳол фойдаланишдан олиб ташлаш керак. Замонавий турмуш жиҳозлари фақат фойдалигина эмас, улар тежамли ва ишлатишга қулай.
2. Сиз томондан харид қилинган ҳар бир машиий жиҳоз оиласизнинг талабларини тўлиқ қаноатлантириши керак. Шундагина сиз улардан нотўғри фойдаланиш ҳолларидан ҳолос бўласиз.
3. Ўз уйингиздаги электр ўтказгич шнурларининг яхши ҳолатда эканлигига ва харид қилинган электр жиҳозлари қувватига ишонч ҳосил қилинг.
4. Машиий техникадан фойдаланишдан олдин, унинг фойдаланиш йўриқномасини диққат билан ўрганинг.

• **Электр асбоблари билан ишлашда хавфсизлик техникаси қоидалари:**

1. Электр асбобларини электр токига улаш қоидаларига амал қилинг: электр симини аввал асбобга, сўнгра эса электр тармоғига уланг. Масалан, уяли телефонингизни қувватлантиришмоқчи бўлсангиз, шнурни аввал телефонга, сўнгра эса шнурни розеткага уланг. Асбобларни ўчиришда эса шу иш тескарисига бажарилади.
2. Электр асбобларини ёкиб ўчиришда кўлларингиз қуруқ бўлиши шарт.
3. Электр дазмол, печдан, чойгум ва пайвандловчидан маҳсус, ёнмайдиган тагликларсиз фойдаланиш мумкин эмас.
4. Изоляция қобиги шикастланган шнурли электр асбобларини ишлатиш хавфли.
5. Агар электр тармоғига иситгич уланган бўлса, иситилаётган сувга ва идишга (улар металдан бўлса) тегманг.
6. Тармоқга уланган электр иситгич асбобларини назоратсиз қолдирманг.
7. Электр ўтказгичларини кўлингиз билан тортманг.
8. Электр шнурларининг дераза, эшиклар билан қисилишига йўл қўйманг. Электр ўтказгич симларининг ҳаддан ташқари чигаллашишига йўл қўйманг.
9. Электр чойнаги, мультиварка ва бошқа овқат тайёрланадиган электр асбобларини бўш ҳолатида электр тармоғига улаш мумкин эмас.
10. Барча машиий электр асбобларини ўчириш ва ишга кўшиш пайтида сув, газ, иситиш тармоғи қувурларига тегмаслик керак.

Тасвирий санъат

Графика – тасвирилаш воситалари сифатида, чизиқлар, доғлар ва нуқталардан фойдаланувчи санъат тури. Графиканинг асосий воситаларидан бири расмлар ҳисобланади. Графикада ишлашда одатда бир ёки икки рангдан фойдаланишади.

Граффити – деворларга ёки бошқа юзаларга сиёхлар ёки бўёқлар билан ёзилган, чизилган, ўйилган тасвирилар ёки битиклар. Граффитига кўча деворларига хоҳлаган турда бўялган барча тасвириларни: оддий ёзилган сўзлардан, то нафис чизилган расмларгача киритиш мумкин.

График услугб (фактура) – бу тасвирий қоғоз юзаларини турли график белгилар (нуқта, чизиқ, доғлар) билан тўлдириш услубидир.

Манзарави санъат – инсонни ўраб турувчи моддий фазовий муҳитни шакллантирувчи, унга эстетик пок туйгулар сингдирувчи пластика санъатларидан биридир.

Тарх (расм) – ҳаққоний нарсадан (буюмдан) чизилган расм. Тархнинг мақсади – муҳим нарсани тимсолда ёки гояда акс эттириш, тасвириланган лаҳза маъносини илғаб олиш.

Тасвирий санъат – пластика санъатининг бир бўлими, бадиий ижоднинг бир тури бўлиб, унинг мақсади бизни ўраб турувчи оламни ифодалашдан иборат.

Инсталляция – кенг қамровли композицияни ўз ичига олувчи, замонавий санъат тури бўлиб, турли элементлардан ташкил топган ва шу билан бадиий бутунлик ҳосил қиласиди.

Нурлилик – санъатнинг бир йўналиши бўлиб нурларнинг ранг-баранг шульаларига асосланаб, худди ички борлиқдан бўшатиб юборилган энергия каби намоён бўлади. Нурчиларнинг бундай картиналари амалда турли нурлар ва нурли шаклларнинг йигиндиси ва абстракт уйғулиги билан кўринади.

Расм – график воситалар – контур чизиқлар, узук чизиқлар, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир.

Рассом – пластика санъати миқёсида ижодий иш олиб борувчи, санъаткор, уста, ижодий иқтидор эгаси, ижодий тасаввур инъом этилган ижодкор шахс.

Манзарави-амалий санъат

Батик – матога қўлда битиладиган нақшлар тўплами бўлиб, унда заҳиралаш эритмасидан фойдаланилади. Газламага – ипак, пахта, жун, синтетик матоларга – мос келувчи бўёқлар сурилади. Бўёқларни туташ жойида аниқ чегаралар ҳосил қилиш учун маҳсус мустаҳкамловчи, заҳира қўлланилади.

Витраж – рангли шишалардан тайёрланган нақш бўлиб, у асосан, ёруғлик ўтказувчи ва бўшлиқларни тўлдириш учун, кўпроқ деразаларга ёки меъморчилик иншоотларига мўлжалланган.

Гжель – рус халқи хунармандчилиги, рус халқининг миллый нақш тури ҳамда Россиядаги анъанавий кулолчилик ишлаб чиқариш марказларидан бири.

Контур – ёпиқ чизиқ, баъзи бир геометрик шакл, буюм, силуэтнинг чегара чизиқлари.

Хоҳлома – ёғоч идишлар ва жиҳозларнинг манзарави безаги бўлиб, улар қизил, яшил, зар ранг бўёқлар билан қора сатҳга туширилади.

Нақш – турли юзаларга бўёқларни мўйқалам ва бўёқ ёрдамида безаш санъати.

Дизайн ва технология

Трансформер буюмлар – ўз шаклини ёки вазифасини, ўзгартира оладиган ҳаммабоп киийм-кечак буюмлари.

Андаза – бўлажак буюмнинг қоғоз, калька, мато, чарм ёки бошқа нарсадан тайёрланган кўчирмаси.

Дизайн – лойиҳалашнинг ўзгача усули бўлиб, бунда обьектга ўзининг асосий вазифасидан ташқари, гўзаллик, тежамкорлик, юқори функционаллик каби хусусиятлар берилади.

Комплект (кийим-бош) – тўлиқ жамланган нарсалар таркиби, маълум буюмларнинг (кийимлар, асбоб-ускуналар) жамламаси.

Тўр – нақшлар билан безатилган тўқимачипик маҳсулоти (безакли нақшлар), ипларнинг тўқилиши ҳисобига ҳосил бўлувчи манзарали буюм.

Кийим – турли материаллардан (матодан, тўқимали матодан, чармдан, мўйнадан) тайёрланадиган, атроф-муҳитнинг турли салбий ҳолатларидан (иқлим шароити, ҳашаротлар, зарарли моддалар ва ҳоказолар) сақланиш учун одамлар томонидан кийиладиган тикувчилик маҳсулоти.

Таннарх – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқсан нархи.

Тасма – уй шароитида кўйлак тикишда қўлланиладиган ингичка ёки тўқимали мато.

Трансформер – ташки кўриниши ёки вазифасини ўзгартириш мумкин бўлган маҳсулот.

Чизма – буюм ясашда, назорат қилиш ва тўғрилик даражасини текширишда фойдаланилариган, буюмнинг контурли тасвирлари ва бошқа маълумотлари берилган ҳужжат.

Овқатланиш маданияти

Меҳмондўстлик – уй соҳибларининг (мезбон) меҳмонларни мамнунлик, хурсандчилик, очик чехра билан қарши олиши ва меҳмон қилишининг майший тушунчаси.

Десерт – якунловчи таом тури, тушлик ёки кечки овқатдан сўнг майин таъмга оид ҳис-туйғулар учун мўлжалланган бўлиб, улар асосан ширин ва тансиқ овқатлардир (қандолат маҳсулотлари, пишириқлар, музқаймоқ).

Қандолат рецепті – қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўлланма. Маҳсулотга керакли озиқ-овқат хом ашёлари, уларнинг нисбати ва йўриқномаси, аралаштирилиши ва ишлов берилиши билан таништирадиган ҳужжат.

Миллий таомлар – маълум миллат ўйлаб топган ва ҳар қандай тарзда, ўзлари хоҳлагандек тайёрлайдиган, пазандачилик техникаси ва рецептлари.

Дастурхон тузатиш – дастурхонни нонуштага, тушликка, кечки овқатга, байрам ёки чой ичиш маросимига тайёрлаш.

Уй маданияти

Бонсай – ҳақиқий дарахтларнинг кичрайтирилган аниқ нусхасини ўстириш (баъзида пакана дарахт) санъати.

Майший техника – электр ёки механик асбоблар бўлиб, улар айрим майший вазифаларни бажаришда (овқат тайёрлаш, сақлаш ёки уйни тозалаш) қўлланилади.

Интерьер – инсонларнинг эстетик идрок талабларини ва яхши турмуш шароитини таъминлаш мақсадида хоналарнинг ички фазосининг меъморий ва бадиий ечим юзасидан жиҳозланиши ва безалиши.

ИЛОВА

1-жадвал

МАШИНА ЧОКЛАРИНИНГ АТАМАЛАРИ





Атамалар номи	Иш турлари	Амалда қўллаш жойи
Бириктириб тикиш	Бир хил катталиқдаги иккита ёки ундан кўпроқ деталлар қирқимини машинада бириктириб тикиш.	Елка ва ён қирқимларини бириктириб тикиш ва ҳоказо.
Тикиб улаш	Катта деталга кичик детални бириктириш.	Чўнтак қопқогини олд бўлакка улаш ва ҳоказо.
Ағдарма чок билан тикиш	Икки деталга баҳяқатор юритиб, бириктириб, кейин уни ўнг томонга ағдариш.	Кийим олди қайтармасини бортини, ёқасини ағдарма чок билан тикиш.
Тикиб ўтқазиш	Овал контурли 2 детални бир-бирига бириктириш.	Енг ўмизига, енгил ёқа ўмизига ёқани машинада ўтқазиш ва ҳоказо.
Бостириб тикиш	Икки детални бир-бирининг устига кўйиб, машинада бириктириш.	Кокеткали, қоплама чўнтакни асосий деталга бостириб тикиш ва ҳоказо.
Ёриб тикиш	Чок ҳакини икки томонга йўналтириб машинада баҳяқатор пухталаш.	Орт бўлак чокини, енг чокини ёрма чок билан тикиш ва ҳоказо.
Букиб тикиш	Букилган кийим деталининг четига баҳяқатор юритиб пухталаш.	Кийим этагини, енг учини букиб тикиш ва ҳоказо.
Магизлаш	Детал четларига магиз кўйиб, магиз чок билан тикиш.	Кийим деталлари қирқимини, адипнинг ички қирқимларини магизлаш.

2-жадвал

НАМЛАБ-ИСИТИБ ИШЛОВ БЕРИШ АТАМАЛАРИ

Атамалар	Иш мазмуни	Амалда қўллаш жойи
Юпқалаштириб дазмоллаш	Деталлар чокини, букилган жойларини тахламалар ва деталь зийларини юпқалаштириш учун дазмоллаш.	Кийим бортини, ёқа ва енгини дазмоллаш ва ҳоказо.
Бир томонга ётқизиб, букиб дазмоллаш	Кийим детали четини, чок ҳакини бир томонга букиб дазмоллаб қотириш.	Орт бўлак ўрта чокини ён чокиларини бир томонга ётқизиб дазмоллаш. Кийим этагини букиб дазмоллаш.
Ёриб дазмоллаш	Чок ҳакини ёриб икки томонга қаратиб шу ҳолатда дазмоллаб қотириш.	Кийим ён чокларини, елка чокини ва бортининг ағдарма чокини ёриб дазмоллаш ва ҳоказо.
Декатирлаш	Материални намлаб иситиб ишлов бериш ва киришишини дазмоллаб йўқотиш.	Газламаларни бичиши олдидан декатирлаш.
Дазмоллаш	Ишлов берилаётган детал, тугунларни фикимланган жойини дазмоллаб йўқотиш, охирги намлаб иситиб ишлов бериш.	Тайёр бўлган буюмни дазмоллаш.

ҚҰЛ ЧОКЛАРИ ВА ҚАВИҚЛАРИНИНГ АТАМАЛАРИ

Қавиқ	Чок	Амалда құллаш жойи
 <p>Түфри чок</p>	 <p>Кüklaš choki (құлда, машинада)</p>	<p>Кийим бүлакларини (кийим этак қисми, белбоглар) вақтінча бириктириш (күклаш) учун ишлатилади.</p>
	 <p>Бостирма чок (машинада)</p>  <p>Букlama чок (машинада)</p>	<p>Чок узунлиги 0,7–1,5 см, газлама рангига мос №№ 50, 60 пахта ип.</p> <p>Бир деталдаги чизикларни иккінчи деталга күчириш (чизма асосида чүнтакни, кийимнинг этак қисмини) учун ишлатилади. Чок узунлиги 0,7–1,0 см. Қавиқ баландлығы 0,5–1,0 см. Мато рангидан ёрқинроқ №№ 50, 60 пахта ип.</p>
	 <p>Күчирма чок</p>	
 <p>Тürlash choki (құлда)</p>	 <p>Тürlab tikiş (зий чоклар ҳам дейилади)</p>	<p>Изма (петля) ўрнини ёки деталлар ён қисмини түклишидан сақлаш учун ишлатилади. Оралиқ масофаси кесмадан 0,3–0,5 см бўлиб, 1 см жойга 6–10 тадан тикиб пахта ипидан рангига мос килиб бажарилади. Кесма жойларини, аппликацияларни бириктириш асосий қисмлар билан бирлаштиради (безак чок).</p>
 <p>Кия чок</p>	<p>Бириктириш чоки</p>	<p>Буюм кесмали жойларини бириктириш (ён қисми, қисми) учун ишлатилади.</p>



3-жадвал давоми

ҚҮЛ ЧОКИ ҚАВИҚЛАРИ ВА ЧОКЛАРИ АТАМАЛАРИ

	Безак ва очик қавиқ солиб тикиш.	Буюмнинг этаги, енг учи кабиларни қайириб очиқ қавиқ солиб тикиш, йўрмалаб тикиш.
	Кўклаш (оддий чок) (1 сантиметрда 4–5 чок)	Кийим бўлакларини улаш.





4-жадвал

БЕЗАК ЧОКЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Сирма чок	Занжир чок	Сув чок (тўлдириб тикиш)	Тўрлаш чоки
			





5-жадвал

ТАСМАЛАР ЁРДАМИДА КАШТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

«Ҳалқа қилиб боғлаш»	«Ўргимчак тўр»	«Французча тугунча»	«Занжир кашта» чоки
			

6-жадвал

БИСЕРЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШ УСУЛЛАРИ

Ёйсимон чок	Ҳалқали чок	Кўклаш чоки	«Сирма» қавиқ
			

ҚҰШИМЧА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Учебная программа по учебному предмету «Художественный труд» для 7 класса общеобразовательной школы. – Астана: Национальная академия образования им. И. Алтынсарина, 2016.
2. Национальная кухня казахов. – Алматы, 2005.
3. Қазақ халқының үлттық киімдері. Национальная одежда казахского народа. National clothes of Kazakh people. – Алматы: «Алматыкітап», 2007.
4. Технология: Учебник + CD для учащихся 7 класса общеобразовательной школы (вариант для девочек). / И. А. Развенкова, С. А. Фалеева. – Кокшетау: «Келешек-2030», 2016.
5. Технология (вариант для девочек). Методическое руководство для учителей 7 класса общеобразовательной школы. / И. А. Развенкова, С. А. Фалеева. – Кокшетау: «Келешек-2030», 2016.

ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ РҮЙХАТИ

<http://festival.1september.ru/articles/520528/novaya-shkola.su›pedagogam/sredne...i...na-urokah...>
<http://www.bilu.kz/kuchnya.php>
<http://reviewexpert.ru/2015/04/uchimsya-kak-pravilno-servirovat-stol/>
<http://www.psyst.net/pedagogika/inovacii.htm> (Педагогические технологии и инновации)
<https://www.youtube.com/watch?v=7qK8YGrXESE>
<https://www.youtube.com/watch?v=tP4gmM-8B1c>
https://www.youtube.com/watch?v=v_szuAiaYIs
<https://www.youtube.com/watch?v=VERdz7-SB5M>
<https://www.youtube.com/watch?v=31n2j7ns5FI>
<https://www.youtube.com/watch?v=tvrbsF1SXMg>
<https://www.youtube.com/watch?v=nHgYgnMKZTc>
<https://www.youtube.com/watch?v=7RxxbKPhaQA>
<https://www.youtube.com/watch?v=o8AnlMe8KNA>
<https://www.youtube.com/watch?v=vmN0SNeyHvM>
http://mypresentation.ru/presentation/zanimatelnye_voprosy_po_izobrazitelnomu_iskusstvu_vypolnila_gavrysh_svetlana Vasilevna__prepodavatel_rcdo_g_smolenska
<http://virtoo.ru/almanach/civilization/osnovnye-napravleniya-i-priemy-sovrem.html>
<http://val-rozanov.narod.ru/photo.pdf>
<http://paintmaster.ru/hohlomskaya-rospis-yprazhneniya.php>
http://www.osinka.ru/Sewing/Dekor/SB/04_03.html
http://www.osinka.ru/Sewing/Dekor/SB/03_03.html
<http://festival.1september.ru/articles/646673/>
<http://yellowhome.ru/2013/10/31/ikebana-ili-ukrashaem-interer-suximi-cvetami/>
http://razrabotky.ru/load/10_klass/obzh/prezentacija_intellektualnoj_viktoriny_eda/28-1-0-869
<https://www.youtube.com/watch?v=Bc3WtE9UxRg>
<https://www.youtube.com/watch?v=2Vvqu9Tkx3g>
http://old.season.ru/sovety/dekor_odegdu/
https://www.youtube.com/watch?v=o_LZa7Cx30s
<https://www.youtube.com/watch?v=vGtpZ65zAqE>
<https://www.youtube.com/watch?v=nZbh0mUXGhk>
<https://www.youtube.com/watch?v=1wuJQvLNOgo>
<http://yellowhome.ru/2013/10/31/ikebana-ili-ukrashaem-interer-suximi-cvetami/>
<http://www.history.kz/Articles/food1.php>
http://www.eda-edo.info/ogl_kuxon.html

Муқаддима	4
Визуал санъат	6
§ 1. Санъатдаги замонавий технология ва илм-фан ютуқлари.	
Табиатнинг микросуратлари	6
§ 2. Тасвирий санъатдаги замонавий йўналишлар (поп-арт, инсталляция).	
Мустақил тадқиқот	10
§ 3. Қозогистоннинг замонавий рассомлари	16
§ 4. Санъатнинг замонавий услубий йўналишларини тадқиқот қилиш асосидаги амалий ишлар (2D ёки 3D форматда)	21
Манзарали-амалий санъат	22
§ 5. Бадиий нақш (батик, гжель, хохлома). Нақш турлари.	
Нақш солиш усуллари ва техникаси. Материаллар ва иш қуроллари	22
§ 6. Буюм эскизининг ишланмаси. Материал ва асбобларни тайёрлаш	28
§ 7. Бадиий нақшларни бажариш. Манзаралаш. Безаш	30
Дизайн ва технология	32
§ 8. Тикувчилик буюмларини қайта шакллантириш (трансформация) ва безаш (кийим, аксессуарлар, бижутерия)	32
§ 9. Фоялар ишлаб чиқиш. Эскиз	36
§ 10. Материаллар ва ускуналарни тайёрлаш	40
§ 11. Кийим-бош яратиш. Қисмларни бичиш. Алоҳида қисмларни қайта ишлаш. Қисмларни бириттириш ва буюмни пардозлаш. Кийимларни безаш	44
Овқатланиш маданияти	48
§ 12. Қозоқ миллий таомлари	48
§ 13. Жаҳон халқларининг ошхонаси (мустақил тадқиқот)	52
§ 14. Жаҳон халқларининг ошхонаси. Амалий иш (суши, пицца, гўжа)	54
Үй маданияти	58
§ 15. Маиший техникани танлаш. Маиший техникадан фойдаланиш қоидалари	58
§ 16. Ўсимлик – безак, интерьер элементи сифатида	62
Санитария-гигиена талаблари	66
Хавфсизлик техникаси қоидалари	66
Лугат	69
Илова	71
Қўшимча адабиётлар рўйхати	74